Ўзбек халқ достони

Маликаи айёр

Гўрўғлининг юртини Чамбил дейди. Чамбил қандай? Чамбил шундай Чамбил: олтмиш обхонали, етмиш жевахонали, саксон сардаболи, тўқсон тўпхонали Чамбил. Чамбил элида Гўрўғли зўравор, қирқ олти сардор, тўрт ярим лак бедовсувор чилтонларнинг бири, Соқибулбул деган сайиси бор. Гўрўғлининг зўр деб таърифи кетган, зарбаси тошдан ўтган, ол Гўрўғли келди деса йиғлаб ётган, боласини юпатган, Исфахонда ишлаттан, қиличининг ишлови етган, теккан омон қолмасин деб заҳарнинг сувин ялаттан, Чамбилда давронни суриб ётир Гўрўғли султон.

Ана энди бир кунлари Чамбилда даврон суриб, қирқ йигити билан, Ҳасан Авази билан, қанча амалдори билан суҳбат қуриб ўтириб, Соқи деган хизматкорини чақириб: — Соқижон Ғиркўк отни абзаллаб, чоқлаб олиб кел, — деди. — Ғиротни минсам, Шакар кўлига борсам, довул туйиб қўлга қушимни солсам, Шакар кўлидан ғўна-суқсурни олсам, ғўна-суқсурни олиб келиб қирқ йигитга чулон берсам, — деди.

Бу сўзни Соқибулбул эшитиб, Гўрўғлига айтди:

— Э, Гўрўғлибек, бу ойни нима ой дейди, сафар ойи дейди. Сафар ойида ўн саккиз пайғамбар сафар қилди. Ўн саккиз пайғамбар ҳам сафар қилиб йўлдан омон келган эмас. Амир Ҳамза бул ойда сафар қилди. Уҳуд тоғида шаҳид бўлди. Айюб пайғамбар сафар қилди, танига қурт тушди. Зикриё пайғамбар сафар қилди, бошига ари келди. Яқё пайғамбар сафар қилди, ул киши ёш ўлди. Шундай азизлар, сафар ойида сафар қилиб омон келган эмас; шундай одамлар омон келмаганда сенинг ҳаддингми бу сафар ойида сафар қилиб омон келмак?! — деди.

Бу сўзни Соқи айтди кўринг. Гўрўғли марддин ғайрати ғайратга етди, аччиғи чиллали қишдай мурғига чаппа қайтди. «Менинг шаштимни қайтардинг», — деб Соқига қараб

ҳар тебранди; ҳар тебранганда қуймучи ерга тўрт энли ботди. Бу сўзни Гўрўғлидан Соқибулбул эшитиб, Гўрўғлининг аччиғи келганини билиб, тош таблага қараб бурилиб, Ғиротга жўнаб кетди.

Ҳамиша бундан илгари Ғиркўк отга бир соат, икки соат илгари чилтанлардан хабар келиб турар эди. Лекин Гўрўғлининг бу шикорида Ғиркўк отга хабар келган йўқ эди. Ғиротнинг кўнглига келди: «Менга чилтандан хабар келгани йўқ эди. Бу Соқибулбул бир нимага келаётир экан», — деди. Бу ёқдан таадди еб келган Соқи кўнглини хушлади, нархини сўрамасдан Ғиркўк отнинг жиловидан ушлади. Хоннинг назаркарда Ғироти Соқининг белбоғидан тишлади, олиб ерга бир урди. Соқи боёқиш ўрнидан тўққиз юмалаб турди.

— Кўринг, Соқи марди қилиб ётир сиёсатди: Ёмонлагур жайратмасам, ёйга чоқлаб отмасам, бефарзандни йиғлатмасам, катта чорак гўшингни бир тангадан сотмасам, ўзимнинг тегишимни ғингқиллатиб ютмасам, — деб шиқирлатиб сари ёйни тортди, ёйнинг ўқи яшиндай бўлиб оқиб кетди, тош таблани тешиб ўтди, ақли шошиб хоннинг Ғироти таппа тушиб ётди, от ўзини ўнгаргунча Ғиротнинг жиловини Соқибулбул ушлаб, Ғиротни эгарлаб, чоқлаб, олиб келиб Гўрўғлига тўғри қилди. Гўрўғли Ғиркўк отнинг белига миниб, бўз тарлон қушини қўлига олиб, Соқига қараб айтди:

Ўзимнинг ҳолимни ўзим билайин,
Зебит чўлга, Шакар кўлга борайин,
Довул туйиб, кўлга қушим солайин,
Келиб қирқ йигитга чулон берайин,
Соқижон, танингдан бошинг юлайин.

Кўринг, Гўрўғли марди, минди бедов отди, қистаб йўл тортди. Зебит чўлдан Шакар кўлга етди. Кўлга бориб, довул туйиб, қушни солиб шундай қаради, худонинг қудрати, пирнинг каромати шундай чўлда бир қўрғони азим пайдо бўлди. «Қандай қўрғон экан?» — деб Гўрўғли борди. Кўрса шундай қўрғон: кунгираси пўлатдан, дарвозаси зумраддан, бўсағаси Бағдоддан. Шундай очиб ичкари кирди. Ичкари кирса олмалар пишиб ётир, тагига тушиб ётир; гуллар очилиб, булбуллар бир-бирига чақ-чақ учириб ўтирибди. Уч кўшк:

ичкима-ички, зинапоя, зертанг-забартанг жойлар тузалган, яхши тўшаклар тўшалган, сувлар сепилган намойишга чини гужумлар тикилган, гужумнинг соясига жинқарча, мусича муроталибачча — жамъи қушлар йиғилиб ўртада бир лайлакни созанда қилиб айттириб ўтирибди.

Бу аломатни Гўрўғли кўриб, ҳайрон бўлиб туриб эди, осмондан бир кўк каптар қуюлиб келиб, бир оғнаб туриб, бир сурҳоил гардан, офатижон, писта даҳан бир ажаб нозанин пари бўлиб турди. Бу парининг жамолига Гўрўғлибек қаради: ирқи олмадай пишган, қора зулфи оч белига тушган, кўрганнинг ақли шошган, жамолига ою кунлар талашган, ажаб бир паризод. Буни Гўрўғли султон кўриб, ошиқи беқарор бўлиб, ул паризодга қараб: — Асли жойинг мамлакатинг қаерда? — деб сўраб турибди:

Давлатимдан шоли-шолдам ўрайман,
Гул тарзим сарғайиб сенга қарайман,
Гул юзли жононим, сендан сўрайман,
Бир пари-пайкарим, қайдан бўласан?

Остимда бедовим ўйнар юз алвон,
Олмос пўлат белда, эгнимда қалқон,
Арзимни эшиттин, эй пари-пайкар,
Чеҳраси хандоним, қайдан бўласан?

Зарафшон зулфингга урибсан шона,
Хиноли қўлларинг бўябсан қона,
Юсуф каби мени солма зиндона,
Зулайҳо нишоним, қайдан бўласан?

Бошингга кийибсан мурраси тожи,
Кўрган одам гул юзингнинг муҳтожи,
Кўзимнинг равшани, бошимнинг тожи,
Ғамзаси пайконим, қайдан бўласан?

Яна баҳор бўлса, очилар гуллар,
Гулни кўрса маст бўп сайрар булбуллар,
Малойик суратли гул юзли дилбар,
Ростин дегин дилбар, қайдан бўласан?

Дардли қул дардимни кимга ёраман,
Айрилиқ ўтига бағри пораман.
Шаҳринг, отинг айтсанг излаб бораман,
Малойик суратли, қайдан бўласан?

Гўрўғли дер жигар-бағримни доғлаб,
Бор умрим юрсам сени сўроғлаб,
Шаҳринг айтсанг излаб бораман,
Ростин дегин дилбар, қайдан бўласан?

Ана шунда Паризод Гўрўғлидан бу сўзни эшитиб, ўсган элини, соғу сўлини, шаън-шавкатини, манзил-жойини Гўрўғлига баён этиб бериб бир сўз деб турибди:

Давлатингдан шоли-шолдам ўрасанг,
Кеча кўрган тушни кундуз жўрасанг,
Бир пари-пайкар деб мендан сўрасанг,
Мен ҳам шаҳри Шабистондан бўламан.

Мен келганман одамзоднинг қастидан,
Изласанг топмайсан ернинг устидан,
Бир манзилим кун чиқмаган «гўристон»,
Мени сўрсанг «гўристон»дан бўламан.

Яна баҳор бўлса очилар гуллар,
Истамбулда бир дўстим бор, Зулфизар,
Энамнинг отидир парийи Сипар,
Отамнинг отини Қосимхон дерлар,
Шаҳримнинг отини Торкистон дерлар,
Бор, Гўрўғли Торкистондан бўламан.

Мавж урганда дарёдайин тошарсан,
Ўлмасанг, дунёда узоқ яшарсан,
Уч юз олтмиш Асқартоғдан ошарсан,
Ундан сўнгра Қизилқумга тушарсан.

Сўраб борсанг Кўкламтоғдай тоғи бор,
Кўкламтоғда Боймоқ девдай деви бор,
Қистаб юрсанг олтмиш йиллик йўли бор,
Маликада майлинг бўлса сўрай бор.

Сиздай бекдан жонин бормикин аяр,
Сўрай борсанг Гўрўғли бек номдор,
Келдингми тўрам деб қулочин ёяр,
Торкистон шаҳрида Малика айёр,
Албатта сўраб бор, Гўрўғли номдор.
Бор, Гўрўғли Торкистондан бўламан.

Бу сўзни Малика Гўрўғлига айтиб, бир аганаб туриб, каптар либосини кийиб, фалакка парвоз қилиб, учиб жўнай берди. Кўшк-айвонлари ҳам фалакка равоқ-қўрғонлари билан кўчиб жўнай берди.

Бу аломатни Гўрўғлибек кўриб, хафа бўлиб, қўлидаги бўз тарлон қушнинг жировулини олиб, «Бор, сен жонивор ҳам менинг қўлимда қолиб нима бўласан?», деб бўшатиб қўйиб юборди. Бўз тарлон қуш ҳам фалакка учиб кетди. Шунда Гўрўғли Ғиротнинг бошини буриб, Чамбилга қараб йўлга кириб, кўзини ёшлаб, ўзини отнинг ёлига ташлаб, бу сўзни айтиб бора берди:

Жоним Ғирот, молим Ғирот,
Сени минган топар мурод,
Дам-бадам етқиз Чамбилга.

Шакар кўлга овга келдим,
Бир пари-пайкарни кўрдим,
Ёр ишқидан ғамга тўлдим,
Ололмасдан энди ўлдим,
Дам-бадам етқиз Чамбилга.

Хафа фалак солди зулм,
Обод бўлғай ўсган элим,
Сенсан назаркарда ғирим,
Дам-бадам етқиз Чамбилга.

Айриликқа бағрим доғлаб,
Фироқида қонлар йиғлаб,
Юрсам мен ёрни сўроғлаб,
Дам-бадам етқиз Чамбилга.

Жоним Ғирот, молим, Ғирот,
Еминг кишмиш, тўрванг банот,
Сени минган топар мурод,
Дам-бадам етқиз Чамбилга.

Бу сўзни Гўрўғлибек айтиб, кеч бўлайин деганда отини терлатиб Чамбилга кириб келди. Соқи шундай қараса, Гўрўғли соғ бориб, саломат овдан келаётир. Соқи Гўрўғлини кўриб: «Вақти-замоним тўлган экан, куним битган экан, ажалим етган экан, бояги гапни бежой айттан эканман. Бу соғ бориб, саломат овдан келди». Гўрўғлининг тарзига Соқи қаради. «Сўна-суқсур овлаб келаман», деб кеттан Гўрўғлининг қўлида бўз тарлон қуши ҳам йўқ, сўна-суқсури ҳам йўқ. Бекорга кўтарилиб, отини терлатиб, бир ўзи шумпайиб келибди. Буни Соқи кўриб, отнинг жиловини ушлаб кўнглини хушлаб: — Гўрўғлижон, ўзингнинг ҳолингни ўзинг билганинг қани, майдонли кун Ғиротингни елганинг қани, Зебит чўлга, Шакаркўлга борганинг қани, дабил туюб қўлга қушни солганинг қани, Шакаркўлда сўна-суқсур олганинг қани, келиб қирқ йигитта чулон берганинг қани, менинг танимдан калламни олганинг қани, бизга сенинг совға-широлга олиб келганинг қани? — деди. Бу сўзни Гўрўғли эшитиб:

— Соқижон, сен ҳам чилтонларнинг бири, мен ошиб гапирибман. Бу феълимга тавба қилибман, — деб Ғиротини Соқига бериб, қирқ эшикли чиллахонасига кириб, кўкрагини нам ерга бериб, хафа бўлиб ётди.

Орадан ҳафта-ўн кун ўтди. Туркман элининг дов-жанжали кўпайиб кетди. Гўрўғлининг Аҳмад тоғаси йигитларни йиғиб айтди: — Эй йигитлар, Гўрўғли туркманларнинг беклигини ўхшатолмайди шекилли, мени гиламга солинглар, бардор-бардор қилиб Гўрўғлининг тахтига миндиринглар, Туркман элининг дов-жанжалини сўрайин, Гўрўғлидан келган бало бўлса кўрайин.

Бу сўзни Авазхон эшитди, отасини излаб кетди, чиллахонага етди. Бориб қараса отаси — хон Гўрўғли нам ерга бағрини бериб ётибди. Авазхон отасини бу аҳволда кўриб олисдан ҳолу аҳвол сўраб бир сўз деб турибди:

Ота, эшит мен айтган нолишимни,
Сел қилиб тўкарман кўздан ёшимни,
Оч кўзингни, кўтар, каъбам бошингни.

Сардор беклар қилди элда маслаҳат,
Қўлингдан кетмасин Чамбилдай элат,
Бу ётишинг, ота, сенга не ҳожат?
Қўлингдан кетмасин Чамбилдай элат.

Ота, эшит менинг айтган тилимни,
Сен туриб сўрагин Чамбил элингни,
Ота хафа қилма мендай улингни,
Бу ғафлатдан туриб сўра элингни.
Меҳрибоним, каъбам, отам тур энди,
Жоним ота, меҳрибоним тур энди.

Бу сўзни Авазхон ўғлидан эшитиб, унга қараб бир сўз деб турибди:

Авазхон, қулоқ сол айтган тилима,
Қаҳрлансам қиров турар муртима,
Ўзим ўлмай, ким келади юртима,
Келган душманларни баён айлагин.

Болам менга хабар бергин душманни,
Қилиб қўяй, душманларнинг ишини,
Хафа бўлма ўғлим менинг ишимдан.

Хазон бўлиб боғда гуллар сўлдими?
Олло менинг ақлу ҳушим олдими?
Арбайтиндан элга душман келдими?
Бирор турли ҳукми равон қилдими?

Шовқинга ирғийди араби тулпор,
Шакаркўлга овга бордим муқаррар,
Ваъда бериб кетди пари зулфакдор,
Ёр ишқидан мен тортарман оҳу зор.
Қандай душман келди элга бояқбор?
Душманлардан хабар бергин Авазжон.

Бу сўзни Авазхон отасидан эшитиб, унга қараб бир сўз деб турибди:

Ота, эшит менинг айтган тилимни,
Хизматкор айлагин Аваз улингни,
Опкеп берай, ваъда берган ёрингни.

Остимга миндирсанг қиз белли тулпор.
Шикор қип отлансам кўп узоқ йўллар,
Олиб келиб берай пари зулфақдор,
То ўлгунча Аваз ўғлинг хизматкор.

Дунёнинг вохими сизга не даркор?
То ўлгунча Аваз ўғлинг хизматкор,
Ота, эшит менинг айтган сўзимни,
Опкеп берай кўрган сарвинозингни.
Ҳар на хизмат сенга мендан лозимдир,
Хизматкор айлагин Аваз қулингни.

Гўрўғли Авазхон ўғлидан бу сўзни эшитиб, унга қараб бир сўз деб турибди:

Майдон бўлса сотар эрдинг ширин жон,
Олмосингдан қуяр эрдинг қирмиз қон,
Бу хизматга бел боғлама, Авазжон.

От чопса гумбурлар тоғнинг дараси,
Ботирни инграттар найза яраси.
Бу хизматга бел боғлама Авазжон,
Талаб қилма Чамбил элнинг тўраси.

Ҳар нечук номардга кўнгил бермагин,
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,
Узоқ яша, кўи йилгача ўлмагин,
Бу хизматга болам талаб қилмагин,
Девларнинг қўлида ғариб ўлмагин,
Бу хизматга болам талаб қилмагин,
Ғариб бўлиб душман-қўлда қолмагин.

Бошимиздан кеттай ғанимли туман,
Ғарибликда эгам бўлгай меҳрибон.
Бу хизматта бел боғлама, Авазжон,
Айтган сўзим олгин энди бўзўғлон.

Бу сўзни Авазхон отасидан эшитиб, юраги тошиб, кўнгли жўш уриб, отасига қараб бир сўз деб турибди:

Мен йиғлайман аҳволингта зору зор,
Бу хизматта мен борарман муқаррар,
Шу хизматта ота ўзим бормасам,
Отажоним ўғлим деганинг бекор.

Шунда Гўрўғлибек Авазхондан бу сўзни эшитиб:

— Аваз ўғлим, бу сўзни бежой айтдинг. Бу айтган сўзинг кўп ёмон бўлди, энди ҳар нима бўлса бормасанг бўлмайди. Сен қасамёд қилдинг. Ҳар нима бўлса борасан, — деди. Шундай қилиб, ота-ўғил чиллахонадан чиқиб жўнаб кетди. Далага чиқиб Соқибулбулни чақириб:

— Боғда очилган гулим, чамандаги булбулим, Авазхон улим Торкистон шаҳрига — Малика парига бормоқ бўлди. Соқижон Ғиротни афбзаллаб, чоқлаб, эгарлаб Авазжонга олиб келиб бер, — деди.

Соқи Ғиротнинг қошига борса, хоннинг Ғироти сағриси тошиб, ёли қулоғидан ошиб, учадиган қушдай, қулоқлари қамишдай, ҳар кўзи таркашдай бўлиб, юлдузни кўзлаб, тараққос бойлаб, ўйнаб турибди. Отга қараб Ғиротни таъриф қилиб, Соқибулбул бир сўз деб турибди:

Йилқи ичинда ўзи келган синлидир,
Товушқон туёқли, марол беллидир,
Аросат кунида ажаб ҳоллидир,
Қимматбаҳо эрмиш хоннинг Ғироти.

Минганларнинг етар мақсади,
Қўлтиғида тўрт ярим газ қаноти.
Чу деса ўзади осмонда қушдан,
Ҳеч камлигинг йўқдир йўрға юришдан.
Умид қилар ҳар шаҳарда бувишдан,
Асл тулпор эмиш бекнинг Ғироти.

Сени минган беклар дарёдай тошди,
Бир кунлари Эрам боққа етишди.
Эрам боғда девлар билан савашди,
Девларни исломнинг динига қўшди.
Ўн ярим лак девга зўрлик еткариб,
Шовруб шоҳнинг барно қизин об қочди.

Гул Эрамдан олдинг ой Хиромонни,
Зангор элдан олдинг Орзигул ёрни,
Заррин элдан олдинг Машриқо ёрни,
Исфаҳондан олдинг ой Интизорни,
Арзирумдан олдинг Далли зулфдорни,
Энди излаб Маликадай айёрни,
Пари излаб кўрдинг неча шаҳарни,
Бекнинг оти назаркарда тулпордир.

Соқидан бу сўзни Ғиркўк от эшитиб, анча кўтарилиб қолди. Соқи отни яланғочлаб, қашлаб, эгарлаб берайин деб турган ери:

Оша элга борган тортар хўрликни,
Аваз ўғлон бугун қилар эрликни,
Бисмилло деб солди отнинг белига,
Кимхоби майиндан бўлган терликни.
Мард бўлганлар кўрар экан дурбини,
Усталар ишлатар пўлат қирғини,
Бисмилло деб солди отнинг белига,
Зарлигу зарбобдан бўлган чиргини.
Чиргинининг устига қўйди белликни,
Боз устидан ташлаб жаҳалдирикни,
Муллалар ўқийди зору забарни,
Усталар чопади теша-табарни.
Бисмилло деб босди отнинг устига,
Тиллакорсон олқор мугиз эгарни.
Эл кўчириб Олатоғдан оширди,
Сирин айтмай душманлардан яширди.
Иккови ҳам тилладанди узанги,
Ярқиллатиб икки ёққа туширди.
Қишман ёз ўртаси ҳишнғай саврди(р).

Лоф айтганга ботмондан ҳам овурди(р).*
Катта-катта бандаларинг жойилди,**
Худо қилган ишга банда қайилди.
Бисмилло деб тортди отнинг белидан,
Сирти ипак ичи майин айтилди.
Чув десам ўтади осмонда қушдан,
Ҳеч камлиги йўқди йўрға юришдан.
Бисмилло деб тортди отнинг белидан,
Ўн саккиз қуббали Чиғатой пўштан.
Сағрисига ташлаб карки қуюшқон,
Ҳар қуббаси келган катта таркашдан.
Абзаллаб чоқлади Соқидай ўғлон,
Абзалининг бари ола қайишдан.
Ғазотга минади бекнинг фарзанди,
Юз алвон ўйнайди бекнинг Ғироти.

Шундай қилиб, Соқибулбул Ғиркўк отни абзаллаб, чоқлаб, созлаб Авазхоннинг олдига олиб бориб кўндаланг қилиб турибди. Авазхон Бекдан подшолик сарпойларни кийиб, Исфаҳонда ишланган қилич, қиличнинг ишлови етган, теккан омон қолмасин деб заҳарни ялатган, илон тилли олмос-нўлатни белига бойлаб, отнинг белига минди. Авазини отлантириб Гўрўғли:

— Ҳов Авазжон! Малика айёр пари менга: «Қистаб борсанг олтмиш йилда борасан» деб эди. Сен олтмиш йилда борсанг, олтмиш йилда келсанг, орадан юз йигирма йил ўтар экан, узоқ йўл эмасми, бориб олтмиш йил шу юртда турсанг, орадан юз саксон йил ўтади. Ундан кейин иккаламизнинг умримиз бу юришга етмай, бир хотин оламиз деб йўлда сарсон ўтиб кетар экан. Энди Авазжон, сен борар бўлдинг, менга келар мўлжалингни айтиб кетгин, — деди.

Шунда Авазхон айтди:

— Э ота, мен у юртга бориб бозорни бозорлаб келган бўлмасам, кўриб билган бўлмасам, айта қолсам; шундай бўлса ҳам «чўт-чўтдан ортиқ бўлармн», чўтдан айтиб қўя

---

* Оғирдир
** Жоҳилдир

қоламан-да, деб Гўрўғлибек отасига қараб, Авазхон ўғлон яғрини ёзиқ полвон бир сўз деди:

Тойрилмаса бошдан тожу давлатим,
Остимда ўйнаса араби отим,
Ўн олти ой келар менинг мухлатим.

Дардлиман, дардимни кимга ёраман?
Айрилиқ ўтига бағри пораман,
Насиб этса ўн олти ойда келаман.

Жаҳонни сайр этиб ўйнаб кулмасам,
Нор кесар олмосни белга чолмасам,
Ўн олти ойда Торкистондан келмасам,
Авазжоннинг зўр билаги толди де,
Ҳам отингни, ҳам ўғлингни ўлди де.
Якка мозор бўлиб шунда қолди де.

Ота эшит, менинг айттан ноламни,
Тўкарман кўзимдан қонли жоламни.
Ўн олти ойда Торкистондан келмасам,
Чамбил белда тўйрай беринг ошимни.

Ҳар не матлаб бўлса ҳақдан тилагин,
Ўн олти ойда ҳақдан тилагин.
Ўн олти ойда келар менинг мухлатим,
Ўн олти ойда йўл-йўлима қарагин.

Гўрўғлибек Авазхондан ўн олти ой деган сўзни эшитиб, вақти зиёда хуш бўлиб, Авазхонга қараб бир сўз деди:

Бир тоғим Полапон, бир тоғим Болқон,
Чор ҳоким шаҳримдир, беклигим дархон,
Соғ бориб, саломат келгин Авазжон,
Кўрар кўзим болам ҳаққа топширдим.

Қайга борсанг Шоҳимардон ёр бўлсин,
Ўн икки имом чилтан жиловдор бўлсин,
Душманларинг келиб сенга зор бўлсин,
Боргин болам, сени ҳаққа топширдим.

Бу сўзларни айтар Гўрўғли султон,
Қайга борсанг омон бўлгин Авазжон,
Тушмасин бошингта қайғули туман,
Соғ бориб, саломат келгин Авазжон,
Кўрар кўзим болам ҳаққа топширдим.

Авазхон Гўрўғли отасидан бу сўзни эшитиб, отасига қараб, отасидан оқ фотиҳа сўраб, хушлашиб айтаётган сўзи:

Ошмоққа қойимдир тоғларнинг бели,
От чопишиб юрган новкарнинг чўли,
Соғ-саломат бориб ўйнаб келайин,
Шоду хуррам юринг, Чамбилнинг эли.

Остима минганим қиз белли тулпор,
Шикор қип отландим кўп узоқ йўллар,
Излаганим бўлди пари зулфақдор,
То кўргунча каъбам отам хуш энди.

Оҳ урганда кўздан оққан ёш энди,
Омон бўлса нелар кўрар бош энди,
Оша юртга ёр ахтариб бораман,
Омон бўлинг, то кўргунча хўш энди.

— Эй отажон, дуода бўлинг омон-эсон бориб, соғ-саломат келайин деди.

Чамбилнинг эл-юрти Авазжоннинг отланиб бораётганини кўриб, пўш-пўшлаб, Чамбил амалдорлари, сипоҳилари, беклари Авазхонни жўнатмоқчи бўлибди. Чамбилнинг ҳамма қиз-хотинлари том-томнинг бошида туриб томоша қилиб турибди. Авазни Чамбилдан чиқариб, «Ой бориб, омон кел» деб жўнатиб юборди.

Аваз жўнагандан сўнг, Аҳмад сардор йигитларини йиғиб маслаҳат қилиб айтди:

— Гўрўғли отини Авазга берди: остига мингандир Ғиротни, ҳар ерга борса топади муродни. Шу баччағарнинг бор ғайрати; бир кунлари Маликани олиб келар, кейин номи бекликка уят бўлар. Ҳов йигитлар, бир наърашер бормисан? Аваз йўл билан кетди, сизлар тиклаб йўл тортсанглар, ол-

дидан ўтсанглар. Аваздан илгари Полапон тоғига етсанглар. Авазни отсанглар, ўлжа қилиб Ғиротни минсанглар, Торкистондан Малика парини олиб келсанглар. Гўрўғли Малика билан овора бўлиб қолар; шунда юртни ўз қўлимизга олсак. Бир наърашер бормисан?

Асад, Шодмон деган ботирлар бор эди. Шодмони найманнинг ботири эди. Асади қипчоқнинг ботири эди. Асад мерган парли ёй тортар эди. Шодмон мерган ашрафи милтиқ отар эди. Бу иккови ҳам Чамбилда дафтари мерган эди, улар қушнинг кўзидан отар эди. Илгаридан ов овлаб юриб, йўлнинг тўтасини кўрган эди. Асад, Шодмон:

— Бу хизмат биздан бўлсин, — деб иккови Гаждим, Маждим деган отларни миниб, ашрафи милтиқни осиниб, парли ёйни эгарнинг қошига солиб, Авазхон йўли билан кетди, бу икки мерган йўлнинг тўтасини олиб, Авазнинг олдини тўсиб, қистаб йўл тортди.

Дубулға бошда дўнқиллаб,
Карк қубба қолқон қарқиллаб,
Тилла ноянак урилган,
Узангиларда ширқиллаб.

Равшан кўзларин ёшлаб,
Урди қамчини қулочлаб,
Остидаги маждим оти,
Ирғир эди яшин ташлаб.

Тоғларда бордир заранги,
Эгнида бордир паранги.
Ойлар ҳам тошдай қоронғи,
Шуйтиб мерганлар йўл тортди.

Бедов отга қамчи чотди,
Урган қамчи симдай ботди.
Остидаги бедов оти,
Кеча-кундуз шабгир тортди.

Ҳавода бор ёруғ юлдуз,
Дарёда ўйнайди қундуз.

Мерганлар қилди ғайратни,
Йўл тортди уч кеча-кундуз.

Чамбилдан чиқиб, уч кеча-кундуз йўл юриб, Полапон тоғига етди. Тоғнинг белини мерганлар кўрди. Авазнинг оти ҳали бу ердан ўтгани йўқ экан. «Аваз биздан кейин экан», деб бир арчанинг панасига отларини бойлаб ташлаб, бел бўғоридан келгудай, ўзлари пана бўлгудай ерни ковлаб, ашрафи милтиқни ўқлаб, парли ёйни қўлига олиб, Авазнинг йўлини тўсиб ётди. Пешин вақтида Авазхон ҳам Полапон тоғининг яқинини олиб етди. Шунда Гўрўғлининг Ғироти қадамини бир босиб бораётир. Авазхон бунга тепсиниб, жайрагур тўппайтиб туриб қолди деб, буларнинг борлигини билмай бораётир. Мерганлар қараса, Авазхон ирғалиб келаётир. Авазни кўриб, Шодмон мерганга Асад мерган қараб бир сўз деб турибди:

Хабар беринг Шодмон ака,
Энағарни отсаммикин,
Устига минган мардини,
Дам шу дам сўлатсаммикин?
Остидаги Ғиркўкини,
Ўлжа қилиб кетсаммикин?
Торкистонга етсаммикин?
Ойим Маликани олиб,
Бир куни Чамбилга келиб,
Гўрўғлига пешкаш қилиб,
Чамбилбелда тортсаммикин?

Бу сўзни эшитиб Шодмон мерган айтди:

— Икковимиз Авазни ўлдирамиз деб келганмиз, агар қўлингдан келиб Авазни ўлдирдинг-у мен сенинг қўлингдан айириб олаётибманми? Сен Авазни отиб ташласанг, сенга ора тушиб айириб олаётган одам йўқ.

Шунда Асад мерган: — Ундай бўлса отмоқ фақирнинг танида, — деди, Аваз бу душмандан бехабар кела берди.

Ғамли кунда тортар эди оҳу вой,
Шиқирлатиб қўлга олди парли ёй.

ГДГ Уз...Нан
ИНВ. № 330759

Гап эшитинг мерганларнинг ишидан,
Парли ёйга шундай ўқни солади,
Чоқлади Авазни қордай тушидан.

Жафо тиғи бу кун жондан ўтади,
Айрилиқ ханжари бағрин йиртади.
Яшиндай бўп ёйнинг ўқи ёғади,
Кўринг бекнинг назаркарда Ғироти,
Қирқ газ ўқдан баланд сачраб ўтади.

Жазойилга олов берди Шодмонхон,
Шодмон мерган бўшаттандир баланддан.
Назаркарда бекнинг оти қаради,
Жазойилнинг ўқи баланд келади.
Таппа тушиб бедов ётиб қолади,
Қирқ газ баланд бошдан ошиб боради,
Икки ўқдан Аваз омон қолади.

Ана энди Аваз «бу қандай аломат бўлди» деб ҳар тарафга қаради. Ўзи билан бирга юрган мерганларни кўриб, дарғазаб бўлиб, илон тилли Исфаҳон қиличини яшиндай қилиб, ғилофдан суғуриб олиб, мерганларга сиёсат қилиб, бир сўз айтиб бора берди:

Шундай бўлди менга ҳақдан фармонлар,
Чамбилбелда бирга юрган мерганлар.
Не сабабдан отим ўққа бойладинг?

Кўзингдан тўкарман қонли ёшингни,
Қилич уриб кесай тандин бошингни.
Сулатай мерганлар гавда-лошингни,
Кўролмайсан қавму қариндошингни,
Не сабабдан отим ўққа бойлайсан?

Мерганлар эшиттин айтган сўзимни,
Кўролмайсан энди ўғил-қизингни,
Икки мерган сенга ўлим лозимдир,
Не сабабдан отим ўққа бойлайсан?

Асад, Шодмон нега кўнглим бўласан,
Душман бўлиб йўлим тўсиб келасан,
Қазонг етди, икковинг ҳам ўласан,
Не сабабдан отим ўққа бойлайсан?

Авазнинг сиёсатидан, икки мерган такбиридан адашиб, нима деярини билмай, Авазга қараб бир сўз деб турибди:

Ўз элингда шоҳнинг ғамин еб эдик,
Қўрқоқмикин, ботирмикин деб эдик,
Пахтабанд бўшатиб ҳазил қип эдик,
Ҳазилимни кўнглингга олма, Авазжон.

Отга солдик арпа билан ийирди,
Қор ёққанда карвон солар чийирди,
Қилармидик, қилмасмидик ҳазилни,
Чамбилда Гўрўғли отанг буюрди.

Бизлар ҳам Чамбилда дафтари мерган,
Учиб юрган кўпнинг кўзидан урган,
Бир четини Аваз ўзинг ҳам кўрган,
Пахтабанди қилиб ҳазил ҳам қилган,
Ҳазилимни кўнглингга олма, Авазжон.

Нодон кўнглинг ҳар хаёлга бўлмагин,
Бизларни Авазхон душман билмагин,
Ғам билан сарғайиб гулдайин беклар,
Бизлар сенинг бой отангга хизматкор,
Отангнинг амрин қилган мерганлар,
Ҳазилимни кўнглингга олма, муқаррар.

Бу сўзни Авазхон эшитиб мерганларга:

— Ундай бўлса мен ботир эканманми, қўрқоқ эканманми? — деди.

Мерганлар:

— Авазжон, сиз ботир экансиз, — деди.

Аваз:

— Ҳа, мен ботир бўлсам қайтиб кетаверинглар, — деди.

Мерганлар ўйлаб фикр қилди: «Бу ерда қўлга туширолмадик, бирор ерда қўлга туширсак, ўзи билан бирга бўлсак».

— Авазхон борадиган еринг яқинми, узоқми? Биз ҳам бирга бориб келсак, фасли баҳона жаҳонни сайр этиб кўриб келсак, — деди.

Авазхон айтди:

— Сизлар қайтиб кетаверинглар. Сизларнинг фойдаларингдан зиёнларингиз кўпроқ тегиб қолар.

Мерганлар айтди:

— Авазхон, бизларнинг нима зиёнимиз тегади? Отингга мингаштир демасак, жон харжи бор демасак, ўз отимиз ўз харжимиз.

Авазхон: — Ундай бўлса, йўл бошланглар, — деди.

— Сиз турганда бизларга йўл бошламоқлик нечук, — деди мерганлар.

Аваз илгари мерганлар орқасидан Торкистон шаҳрини, Малика айёр парини излаб юра берди. Қорама-қора бораётиб, мерганлар анча орқада қолиб бораётиб эди. Асад мерган Шодмон мерганга қараб бир сўз деди:

Хазон бўлиб боғда гуллар сўлади,
Шум фалак бошига савдо солади,
Шу вақтда чоқласак қандай бўлади?

Кўзидан тўкайлик селоб ёшини,
Қарға-қузғун есин Аваз гўшини,
Ўлжа қип минайик аспи қушини,
Сулайтайик унинг гавда-бошини.

Бораётир Аваз ўғлон бехабар,
Кейинидан чоқлаб олсак муқаррар.
Армон билан ўлар Аваз зўравор,
Бу сўзларни айтди энди мерганлар.

Шу замон англади Аваз зўравор,
Отнинг тизгинини тортди муқаррар.
— Қистаб юринг энди мерган ботирлар!

Авазнинг кейинидан етди мерганлар,
От тизгинин тортди Аваз номдор.
Илгарига ўтди икки мерганлар,
Авазнинг баҳодирлик номи бор.

Тоша келар Авазхонинг ғайрати,
Шундай бўлар сипоҳининг одати,
Қўлида ярқиллар кескир пўлати,
Ҳар замон мерганларга қилар сиёсатди,
Қолмади-ку мерганларнинг тоқати.
Чув деб Ғиркўкка қамчи чатди.
Мерганларни қувиб чўлда йўл тортди.
Чамбил элда Аваз ўғлон туради,
Ҳар на қилса қисматдагин кўради.
Мерганларни қувиб солиб олдига,
Изгор чўлда қувиб кетиб боради.

Қирқ кеча-кундуз йўл тортди, ҳориб мерганларнинг мазаси кетди, беш-юз тоғнинг тўқиниши очгаза Дарбанд тоғига етди. Асад, Шодмон чечиниб ётгандан кўзи уйқуга кетди. Ҳориб, чарчаб қўниб ётди. Авазхон бувунчоғи билан — ечинмасдан ётди, ухламоқчи эди, оти тишлаб ухлатмади. Аваз айтди: «Чамбилда хон Гўрўғлибек отам айтар эди: «Шу Ғиркўк от миниб юрганда қабатидаги жўраси кейинида бирор ғаним душмани бўлса, шу от тишлаб ухлатмас эди», деб. Менга ё шу иккови душман, ё булардан бошқа ҳам душман бор, нимаики бўлмаса мени от ухлатмайди. Бу тоғни Дарбанд тоғ дер экан; нарёғини Бадбахт чўл дер экан; кел-е, шу тоғнинг бошига чиқиб, Бадбахт чўлига қарайин, агар Дарбанд тоғининг нарёғида, Бадбахт чўлда бирор душман бўлмаса, келиб шу икковининг бошини олайин. Бадбахт чўлда душман бўлса унинг билан бўлайин».

Аваз бу ўйни ўйлаб, отланиб, Дарбанд тоғининг бошига чиқиб қаради, Бадбахт чўлда бир нарса Авазнинг кўзига ғивирланиб кўрина берди. Авазхон: «бу кўринган қандай қора экан, бунга бориб келай, қандай жой экан, кўриб келай, аниғини билиб келай», деб ўйлаб бораётиб эди, олдидан бир газадан лап этиб бир одам чиқиб қолди. Қаради: бир филни минган, икки оёғи чим ерни омочдай тилган, соқол-мурти ўсиб кетган, аймашиб келиб оғзи-бурнини босиб кетган.

Аваз бунинг қадди-қоматини кўриб, таваккал қилиб йўлдан четта чиқиб турди: «Кел-е, бундан бир савол сўрайин, қайси мамлакатга бораётган экан, билайин», деб сўз деди:

Сен эшитгин менинг айттан тилимни,
Бошингга соларман қайғу-зулмни.
Менга баён айла борар элингни,
Фил минган армани қайга борасан?

Остимда бедовим ўйнар юз алвон,
Сўзимни эшитгин фил минган душман.
Давлатимдан шоли-шолдам ўрайин,
Борар манзилини сендан сўрайин.
Фил минган армани қайга борасан?

Бу сўзни Аваз айтди, кофирнинг қулоғига етди. Киприги қошларини туриб, чуғариб қараса, олдида бир ёш бачча: «Қайда борасан», деб сўз сўраб турибди. Фил минганнинг кўнглига келди: «Бу, ўроқчига ош бериб келаётган ёш бола экан. Бизнинг подшоларимиз: «Ўзбакнинг чивиндайи ҳам дўқчил бўлади, дўқидан қўрқма», — деб эди. Дарвоқе, подшомизнинг айттани рост экан. Шундай бачалар менинг тарзимни кўриб, қўрқиб шайтонлаб қолмай, мендан «Қаёққа борасан?», деб гап сўрайди; айтганда нима гапни билар экан бу, деб бир сўз деди:

Юрган йўлинг адир эмас жўнагар,
Найза тегса оқ бадандан қон оқар,
Биров ўнгга, биров сўлга юради,
Сўраб сенинг не ишинг бор, энағар?

Ошиқнинг фаҳмидир, қоронғи кеча,
Йиғласам ҳолимга йиғлар бир неча.
Биров ўнгга, биров сўлга юради,
Савол сўраб ишларинг қанча?

Миниб юрган чигирткадай отинг бор,
Қумурсқадай сонинг бор, жасадинг бор.
Тур йўқол, йўлингга боргин энағар.

Остингга минибсан кўк ола тойди,
Ола тойинг менга таътил бўлмайди,
Сендай одам рангиси ҳеч қолмайди,

Тур йўлингта, бора бергин энағар!
Мендайин номдорнинг кўнглим бўласан,
Сан ўзингни одам чоқлаб турасан,
Одам резги армон билан ўласан.
Кета бергин, ёш боласан, ўласан,
Нима учун йўлим олиб турасан?

Бу сўзни Авазхон эшитиб, бир сўз деб турибди:

Қозининг олдида шабгир нойиби,
Йигитга панд берар отнинг майиби,
Сўраганнинг ҳеч бўлмайди айиби,
Фил минган армани қайга борасан?

Филни миниб ғайрат билан юрасан,
Ёлғон айтма сен бадбахт ўласан.
Хабар бергин қай шаҳарга борасан?

Худо дойин яратганга йиғлайин,
Нор кесар олмосни белга чалайин,
Ёлғон айтсанг бошингни олайин,
Борар манзилингни сендан сўрайин.
Фил минган армани қайга борасан?

Бадбахт кофир сенга бермайман омон,
Соларман бошингта қайғули туман,
Бу сўзларни сенга айтди Авазхон.
Борар еринг айтгин, сенга мен душман.

Отга солиб арпа билан ийирди,
Қор ёққанда карвон солар чийирди,
Арботиннинг шоҳи бизни буюрди.

Бу сўзни эшитиб:

— Бу мендан борар еримни қайта-қайта сўрай берди, энди айтиб кетайин, қайсар экан, — деб бир сўз айтиб турган экан:

Мени сўрсанг Арботиндан келаман,
Сафар қилиб Чамбил элга бораман.

Чамбилиинг юртини вайрон қиламан,
Гўрўғлининг тандан бошин юламан.
Ўлжа қилиб Ғиротини оламан,
Авазхондай ўғлин олиб келаман.
Авазхонни косагул қиб юраман,
Авазнинг хуштори ўзим бўламан.

Эшит Мақотилнинг айтган сўзини,
Олиб келсам Чамбилнинг Авазини,
Шоҳим берар юз бешга кирган қизини,
Шу хизмат деб Чамбил элга бораман.

Чамбил юртин ебир-есир қиламан,
Қайтиб келиб шоҳ қизин оламан.
Шоҳ қизи билан ўйнаб-куламан,
Ростин айтсам шу хизматга бораман.

Сўзимни сўрасанг эй ёш ўғлон,
Ўзбаклар юртига бермасман омон.
Шу учун ўзбакка қиларман охир замон,
Авазни Чамбилдан олиб келаман,
Бу сўзларни сенга айтдим бегумон.

Авазхон бу сўзни эшитиб: «Бу ёмон кофир экан. Шу тарзда Чамбилга борса, Чамбил элининг турпоғини ғалвирдан ўтказиб кетар. Отамнинг оти менда бўлса, ёби отлар урушда ҳожат бермаса. Энди таваккал овлоқ ерда бунга маълум қилайин», деб Авазхон ўзини маълум қилиб, бир сўз деб турибди:

Чарқиллаб учади кўлларнинг ғози,
Чўлларда кўп бўлар улоғман қўзи,
Остимда иргийди Ғиркўкдай този,
Сўзимни эшитгин Арботин бози,
Мен бўламан Гўрўғлининг Авази.

Чамбил элда элнинг ғамин еб эдим,
Сендай зўрни излаб шикор қиб эдим,
Мен ҳам Арботинга борсам деб эдим,

Душман излаб элдан чиқиб келганман,
Чамбилбелда мен ҳам бекман, тўраман!
Нор кесар олмосни белга чоламан,
Излаганга сўраганинг бўламан,
Овлоқ ерда сенга дучор келаман,
Чамбилбелнинг Авази ўзим бўламан.
Мен ҳам Арботинга излаб бораман,
Қўлингдан ҳар нима келса кўраман.

Бу сўзни Мақотил эшитиб: Ўзбакнинг тоти чапаниси ...нча экан. Бу қам ўзини Аваз қилиб ётир. Мен Авазхонни ...рмасам ҳам, таърифини эшитганман. Сен ўзингни Авазнга менгзама, — деб бир сўз деди:

Жамоллари ойу кундан ғолибди(р),
Кўрганларнинг бежой ақлин олибди,
Кўрмасам ҳам таърифини эшитдим,
Сен ўзингни Авазхонга менгзама.

Қийғир деган қуш учади қияда,
Ҳуснин кўрсанг шоҳлардан ҳам зиёда,
Жамоллари ойу кундан зиёда,
Сен ўзингни Авазжонга менгзама.

Авазхонман деб лофни урасан,
Одам резги армон билан ўласан,
Сен ўзингни Авазжонга менгзама.

Чамбилнинг Авазин худой урдими,
Той устинда чивиндай бўп жалпайиб,
Гўрўғлининг отини худой урдими?

Шундайгина кўк ола той бўлиб,
Кўрмасам ҳам таърифини эшитдим.
Сен ўзингни Авазжонга менгзама.

Зуваласи ортиқ тушган лойидан,
Авазжон деб тилар эдим худойдан,
Жамоли ғолибди осмонда ойдан.

Кўрмасам ҳам эшитганман Авазни,
Сен ўзингни Авазхонга менгзама.

Аваз бу сўзни эшитиб: «Менинг Аваз эканлигимни билмади, ишонмади; энди бу кофирга Аваз эканлигимни билдирайин», деб Мақотилга қараб бир сўз деди:

Майдонга ирғитай аспи-қушини,
Қамсаб кесай душманларнинг бошини,
Солайинми Алининг савашини,
Мақотил кўр, Авазхоннинг ишини.

Остимда ирғийди Ғиркўкдай тулпор, .
Ўзга деб Мақотил бўлма бехабар.
Ғайратимдан йиғлар сендай кофирлар,
Савашли кун мен мингингта баробар.

Отим Аваз, ўзим мисли аждаҳор,
Ишқирсам дамимга кетар душманлар.
Майдон бўлса мен сотарман ширин жон,
Олмосимдан қўяр эдим қирмиз қон.

Гўрўғли ўғлиман — отим Авазхон,
Чангалимдан қутулмоғинг кўп гумон,
Армон билан ўлар бўлдинг эй душман,
Кўрмаган кунларни сенга соламан,
Танимасанг кофир бошинг оламан.

Дод айласанг эшитмасдан сўзингни,
Ҳар бобдан ўяман икки кўзингни.
Бадбахт душман сенга ўлим лозимдир!
Танитайин сенга мен Авазингни.

Бу сўзни фил минган душман эшитиб: «Бу Авазман деб айта беради, Аваз бўлса Аваздир-да, узоқдан таърифи борар экан-да. Бу Аваз бўлса, миниб юрган тойи Гўрўғлининг Ғироти шу. Энди менинг ишим йўлдан битди; Чамбилга бормайман. Излаганим Гўрўғлининг оти билан Авази эди. Шу ердан олдимга солиб ҳайдаб, Арботинга бораман», деб кўнглида ўйлаб, Авазга қараб бир сўз деди:

Аваз деб югурдим сенинг изингдан,
Қуралайдай келган жоду кўзингдан,
Бир бўса бер Аваз оқча юзингдан,
Гап эшит Аваржон, айтган тилимдан.
Худой ўнглаб чиқиб қолдинг йўлимдан,
Ароқ ичиб юрай сенинг қўлингдан,
Юр энди Арботин бирга, Авазжон.

Бизман бирга Арботинга борасан,
Ҳар кеч бовайингга базм берасан.
То ўлгунча косагул бўп юрасан,
Юр энди Арботин бирга, Авазжон...

Арботинда мен ҳам бекман, тўраман,
Арботинга сизни олиб бораман.
То ўлгунча сизни олиб юраман,
То ўлгунча косагул қиламан,
Юр энди Арботин бирга, Авазжон.

Толқошовлик қилиб бунда турмагин,
Сен кулимсиб мени ошиқ қилмагин,
Узоқ яша, кўп йилгача ўлмагин,
Юр энди Арботин бирга, кетамиз.

Авазхон бу сўзни эшитиб, ғазаби келиб, Мақотилга қараб р сўз деди:

Аё кофир, билиб сўзла сўзингни,
Тилларинг суғуриб, ўяй кўзингни,
Танидингми бу қўчқор Авазингни!
Аваз эканимни ўзинг биласан.

Манманлик билан бунда турасан,
Ундай деб очма сен ғайри оғзингни,
Танидингми бул шунқор Авазингни,
Ханжар чекиб мен кесарман бўғзингни...

Мақотил бу сўзни эшитиб, Авазга қараб айтди:

Кўрмасам ҳам эшитганман Авазни,
Сен ўзингни Авазхонга менгзама.

Аваз бу сўзни эшитиб: «Менинг Аваз эканлигимни билмади, ишонмади; энди бу кофирга Аваз эканлигимни билдирайин», деб Мақотилга қараб бир сўз деди:

Майдонга ирғитай аспи-қушини,
Қамсаб кесай душманларнинг бошини,
Солайинми Алининг савашини,
Мақотил кўр, Авазхоннинг ишини.

Остимда ирғийди Ғиркўкдай тулпор,
Ўзга деб Мақотил бўлма бехабар.
Ғайратимдан йиғлар сендай кофирлар,
Савашли кун мен мингингта баробар.

Отим Аваз, ўзим мисли аждаҳор,
Ишқирсам дамимга кетар душманлар.
Майдон бўлса мен сотарман ширин жон,
Олмосимдан қўяр эдим қирмиз қон.

Гўрўғли ўғлиман — отим Авазхон,
Чангалимдан қутулмоғинг кўп гумон,
Армон билан ўлар бўлдинг эй душман,
Кўрмаган кунларни сенга соламан,
Танимасанг кофир бошинг оламан.

Дод айласанг эшитмасдан сўзингни,
Ҳар бобдан ўяман икки кўзингни.
Бадбахт душман сенга ўлим лозимдир!
Танитайин сенга мен Авазингни.

Бу сўзни фил минган душман эшитиб: «Бу Авазман деб айта беради, Аваз бўлса Аваздир-да, узоқдан таърифи борар экан-да. Бу Аваз бўлса, миниб юрган тойи Гўрўғлининг Ғироти шу. Энди менинг ишим йўлдан битди; Чамбилга бормайман. Излаганим Гўрўғлининг оти билан Аваз эди. Шу ердан олдимга солиб ҳайдаб, Арботинга бораман», деб кўнглида ўйлаб, Авазга қараб бир сўз деди:

Аваз деб югурдим сенинг изингдан,
Қуралайдай келган жоду кўзингдан,
Бир бўса бер Аваз оқча юзингдан,
Гап эшит Авазжон, айтган тилимдан.
Худой ўнглаб чиқиб қолдинг йўлимдан,
Ароқ ичиб юрай сенинг қўлингдан,
Юр энди Арботин бирга, Авазжон.

Бизман бирга Арботинга борасан,
Ҳар кеч бовайингга базм берасан.
То ўлгунча косагул бўп юрасан,
Юр энди Арботин бирга, Авазжон...

Арботинда мен ҳам бекман, тўраман,
Арботинга сизни олиб бораман.
То ўлгунча сизни олиб юраман,
То ўлгунча косагул қиламан,
Юр энди Арботин бирга, Авазжон.

Толқошовлик қилиб бунда турмагин,
Сен кулимсиб мени ошиқ қилмагин,
Узоқ яша, кўп йилгача ўлмагин,
Юр энди Арботин бирга, кетамиз.

Авазхон бу сўзни эшитиб, ғазаби келиб, Мақотилга қараб э сўз деди:

Аё кофир, билиб сўзла сўзингни,
Тилларинг суғуриб, ўяй кўзингни,
Танидингми бу қўчқор Авазингни!
Аваз эканимни ўзинг биласан.

Манманлик билан бунда турасан,
Ундай деб очма сен ғайри оғзингни,
Танидингми бул шунқор Авазингни,
Ханжар чекиб мен кесарман бўғзингни...

Мақотил бу сўзни эшитиб, Авазга қараб айтди:

— Сен биз билан урушадиганга ўхшайсан. Чин уруш бўлсанг, сени бурдалаб ташлайин, деб иккови шу майдонда урушмоқчи бўлиб турибди.

Авазхон айтди:

— Бова, сен катта экансан, уруш калтак навбати сендан бўлсин.

Мақотил айтди:

— Менга навбат бериб нима қиласан, бир урсам ўлиб қоласан, аввал сен ур.

Унда Аваз:

— Сен ёввойи экансан, менинг ўлган-ўлмаганим билан ишинг бўлмасин. Сен катта экансан, навбатни сенга бердим, — деб ўзи қалқонини бошига жомилиб турди. Бовайнинг уч ботмон калтаги бор эди, шуни кўтариб:

— Хабардор бўл, Аваз, ё Лот! — деб Авазнинг бошига урди... Калтаги тариқдай бўлиб тирқираб кетди. Яна олти ботмон чўян калтаги бор эди, буни ҳам «ё Лот, энди Аваз ўлдинг!» деб сиёсат қилиб урди... Калтаги тариқдай бўлиб тирқираб кетди. Яна тўққиз ботмондан бўлган калтаги бор эди. Буни ҳам кўтариб: «Аваз, энди ўлдинг, хабардор бўл, ё Лот», деб сиёсат қилиб урди... Калтак тариқдай бўлиб тирқираб кетди. Мақотилнинг навбати ўтди. Авазнинг навбати етди. Аваз илон тилли олмос-пўлатини шириллатиб ғилофдан суғуриб олди. Буни кўриб Мақотилнинг тус и қочди, ранги заъфарондай бўлиб қолди. Шунда Аваз уни етти газ олмос пўлатини қўлига олиб, егиб борди. Бова айтди:

— Аваз ўғлим, тўхта.

Аваз айтди: — Мени тўхтатиб нима қиласан?

Бова айтди: — Менинг умид билан тўққиз қават қарқ терисидан қилган қалқоним бор, шуни бошимга жомилиб турайин.

Аваз: — Хайр жомилиб туринг, — деди. Бова қалқонини бошига жомилиб турди. Авазхон «Оллоҳу акбар» деб қўлидаги олмос-пўлатини қулочлаб, бовайнинг бошига урди. Олмос бовасининг бошидан ўтиб, эмчагигача кесиб бориб турди. Яна дарғазаб бўлиб, қўлидаги олмосини суғуриб олиб, қулочлаб урди. Мақотилнинг ўзидан ўтиб, филининг ҳам ярмидан кесиб ўгиб, ерга ботиб турди.

Мақотил икки бўлиниб ағнаб қолди, қони дарёдай оқиб кетди...

Авазхон буни ўлдириб, кўкайи ўсиб, кўтарилиб, отидан тушиб, яёв бўлиб, Мақотилнинг қадди-қоматини кўриб, жасадига қараб ҳеч ерда бундай душман ўлгани йўқ, деб ўз шаънига бир сўз айтиб турибди:

Қийғир деган қуш ўлтирар қияда,
Не кўриб кечирдим фоний дунёда.
Ғайратимдан шоҳлар юрар пиёда,
Қилган ишим ҳар одамдан зиёда.

Бизлар кўрдик Қисакўзнинг зўрини,
Уч йил кеб қамади Чамбил элини.
Гўрўғлибек чиқиб қирди барини,
Ўлжа қилиб олдик молу зарини,
Шу урушда бундай душман ўлган йўқ.

Майдонда чиқарди Ғирот бувишни,
Қонга бўяб Зарчашманинг сувини,
Йиқитди Бектошнинг беш минг тувини,
Шу урушда бундай душман ўлган йўқ.

Ҳасан ўғлон от белига минганда,
Арзирумдан Хон Даллини олганда,
Доғистонда уч ой уруш бўлганда,
Шу урушда бундай душман ўлган йўқ.

Юсуф султон отга қамчи солганда,
Иромондан Хиромонни олганда,
Тошотар полвонни нобуд қилганда,
Етти йил тинмайин уруш бўлганда,
Шу урушда бундай душман ўлган йўқ.

Не кўриб кечириб фоний дунёда,
Қилган ишим ҳар одамдан зиёда,
Ҳар урушда бўлар душман ниёда,
Ҳеч урушда бундай душман ўлган йўқ.

Бу сўзларни айтиб, нарироқ бориб қараса, олдидан йигирма тўрт шаҳарга борадиган кўп йўл чиқди. Бу йўлларнинг у ёғига, бу ёғига қаради. Қараса, бир йўлда байдоқ-байдоқ кўп лашкар келаётир — сони йўқ. Келаётган лашкарбошилари ҳам Авазни кўрди. Ораси яқин қолган экан, бири-бирига қараб турди. Аваз: «Бу лашкар қандай лашкар экан», — деди.

Бу лашкарлар Арботиндан келаётган эди. Бу лашкарнинг лашкарбошлиги ҳалиги фил минган полвон эди. Чамбил юртига Гўрўғлининг устига қўшин тортиб бораётган эди.

Лашкарбошилари айтди: «Гўрўғли битта ё иккита бўлиб юрар эмиш, деб эшитар эдик. Бу, тайин Гўрўғлига ўхшайди», деб, лашкар туриб қолди, «келаётган одам Гўрўғли бўлмаса, фил минган полвондан бу ёққа омон ўтмас эди. Бу — тайин Гўрўғли экан, фил минган полвонни ўлдириб, бу ерга келаётир», деб булар ҳам уруш асбобини тайёрлаб туриб қолди.

Авазхон бу чорраҳа йўлда уруш бўларини билиб, Ғиротнинг айил-пуштанини маҳкам тортиб, совут қалқонни жомилиб, отига миниб, урушга тайёр бўлиб, лашкарга қараб, бу сўзни айтиб, юзланиб бора берди:

Икки дунёда ҳамроҳим,
Марди майдоним, ё Али,
Изларман сиздан мадад,
Чобуксуворим, ё Али.
Етти ёшда эр атанган,
Йигирмада шер атанган,
Тоғларни отиб юборган,
Дулдулсуворим, ё Али.
Йигит пири Шоҳимардон,
Мадад беринг шерияздон,
Бу дунёни барбод этиб,
Комил пирларни ёд этиб.
От қўйди душман устига,
Тоғдаги шердай оҳ уриб,
Йўлбарсдай бўп чопиниб,
Халилулло оллоҳу акбар.

От қуйди душман устига,
Қарамай баланд-пастига,
Олмос олганди дастига.
Ярашиқда тикиб чотир,
Фаранг милтиқ патир-патир,
Отилди майдон ичинда.
Чаппалашиб сатта ботир,
Тўкилди майдон ичинда.
Кўрганларнинг ақли кетиб,
Яна кўрсам деб бўлиб интиқ,
Оғзи катта қора милтиқ,
Отилди майдон ичинда.
Бедовга заррин айиллар,
Қилганга душман қойиллар,
Шабнам милтиқ жазойиллар,
Туп бузар майдон ичинда.
От чопади аста-аста,
Кўпдир душман даста-даста,
Уруш бўлди чопар аста,
Қон тўкар майдон ичинда.
Саф-саф туриб ақли хўплар,
Аждаҳодай катта тўплар,
Ишқирар майдон ичинда.
Душманларнинг ақли шошди,
Ота боладан адашди,
Авазхон танҳо савашди,
Қон тўкар майдон ичинда.
Қилич келар алаб-ялаб,
Истар кўнгил қилар талаб,
Олтин коса гулгун шароб,
Ичилди майдон ичинда.
Асли този, не бедовлар,
Кетди эгасиз бош олиб,
Чодир-чаман либослар,
Қолди шундайин тўшалиб.
Ҳар дараси мурдага тўлиб,
Қон деганинг селдай бўлиб,
Тоғ аскарин чалди туман,

Душманларга бермай омон,
Шул сабабдан бек Авазхон,
Қон тўкар майдон ичинда.
Тинмай оқар кўзнинг ёши,
Кесилар душманнинг боши,
Шулдир Авазнинг саваши,
Қон тўкар майдон ичинда.

Авазхон майдонда танҳо савашди,
Ғайри душманнинг ақли шошди,
Авазнинг кўнглига манманлик тушди.
Авазнинг кейиндан шайтон етишди.
Авазнинг кўнглига бу сўз тушди:
Учраса ёрнинг марди,
Кўзга дори пойи гарди.
Бизлар Чамбилнинг жўмарди,
Қирмаганлар номард бўлсин!
Учраса ёри Қабил,
Ҳар маҳал ваъдадан тобил,
Майдонли кун пўлат дебил,
Тўймаганлар номард бўлсин!
Йигит пири ҳазрати Довуд,
Оқ қировга олтин совут,
Киймаганлар номард бўлсин,
Душманларнинг мурдасини,
Уймаганлар номард бўлсин,
Олмасидан қизил қонни,
Қуймаганлар номард бўлсин!
Эрлик билан бу майдонга,
Кирмаганлар номард бўлсин!
Қилич силтаб, бедов қистаб,
Турмаганлар номард бўлсин!
Бул сўзни айтиб Авазхон,
Даста-даста қочиб душман.
Душманларнинг ақли шошди,
Аваз ўғлон бунда танҳо савашди,
Байдоқ-байдоқ яна лашкар етишди.
Аваз ўғлон бу лашкарни кўради,
Ғиротига аччиқ қамчи солади.

Байдоқ-байдоқ лашкар келиб олади,
Аваз ўғлон бу ўртада қолади.
Жафо тиғи букун жондан ўтади,
Айрилиқ ханжари бағрин йиртади.
Шакаман душманлар чоқлаб отади,
Жазойилнинг ўқи туйраб ўтади.
Авазхоннинг қадди-бўйи букилди,
Кўздан ёши қатра-қатра тўкилди.
Шу савашда юриб эди Авазжон,
От ёлини ушлаб бу мард йиқилди.
Тўхтаб қолди Гўрўғлининг Ғироти,
Ғариб бўлди Гўрўғлининг фарзанди,
Қирмизи қон оқди Аваз ўғлондан,
Ҳеч кимсага келмай қолди ҳолати.
Бир Оллога стар марднинг ноласи,
Ғариб бўлди Гўрўғлининг боласи.
Жазойилнинг ўқи етиб Авазга,
Оҳ тортиб йиқилди Чамбил тўраси.
Ботинолмай туриб қолди кўп душман,
Ичи тўлди, юракка бўлди кўп армон.
Ярадор бўлди-ку бекнинг фарзанди,
Қолмади-ку Авазхоннинг тоқати.
Кўринг назаркарда бекнинг Ғироти,
Мардим қилса душманларда уят-да.
Олдига ташласа ёл билан суяр,
Кейинга ташласа қуйруқман суяр.
Майдондан бурилиб назари тулпор,
Тоққа қараб жўнай берди жонивор.
«Бу баччағар бизга ҳийла қилар» деб,
Ботинолмай бораётир кофирлар.
Яра тегди Чамбилнинг қучоғига,
Баракалла бекнинг тўбичоғига.
Неча ул душманга Ғирот рад бериб,
Авазни обкетди Ҳулкар тоғига.
Фалак титрар Авазнинг нолишига,
Кўзлар ғубор бўлар оққан ёшига.
Кўп душманга минган оти рад бериб,
Олиб чиқди Авазди тоғнинг бошига.

Ғирот жонивор Авазнинг ярадор бўлганини билиб, йиқилиб қолмасин, йиқилиб қолса менга кўп ёмон таъна ишлар бўлади, деб кейинга кетайин, деса қуйруғи билан суяб, илгари кетайин деса, ёли билан суяб Авазхонни авайлаб, аста-аста суяб олиб, Ҳулкар тоғининг юқори баланд чўққисига олиб чиқди. Ул тоғнинг чўққиси такаёвмит туркман отидан бошқаси чиқа олмайдиган ер эди. Буни душманларнинг лашкари кўриб, вақти хуш бўлиб «То бу тоғни қулатиб йиқиб олмасак бўлмас», — деб бир хили тўпни ётқизиб, бир хили қўлига метинни олиб, тоғни қулата берди, дунё кўп талотўп-шовқин ғалва бўлиб кетди. Бу ғалва билан уйқуда ётган Асад мерган билан Шодмон мерган уйқудан уйғонди. Қараса олдида Аваз йўқ. Қаёққа кетди деб қараса тоғнинг сиртида тутуннинг буруқсигани кўринди. Тўплар гумбирлаб отилиб, товуши дунёни бузгудай бўлиб бораётир. Бу буруқсиганларни, бу аломатларни кўриб, Асад мерган Шодмон мерганга қараб бир сўз деб турган экан:

Шодмон ака эшит айтган сўзимди,
Кўролмай ўларман ўғил-қизимди.
Энди турмай бундан кетмоқ лозимди(р),
Англа оға, менинг айтган арзимди.
Изламаймиз Авазхондай тўрани,
Журинг оға, Чамбил элга борайик.

Хазон бўлмай боғда гуллар сўлибди,
Аваз бориб танҳо саваш қилибди.
Тоғнинг нарёғига лашкар келибди,
Кун туман илғовли кунлар бўлибди.
Журинг оға, Чамбил элга борайик.

Душманлар кесмасин тандан бошимни,
Сулатмасин гавда билан лошимни.
Кўрса албат қилар менинг ишимни,
Бориб кўрай элда тенгу тўшимни,
Журинг оға, Чамбил элга жўнайик.

Бу сўзни Асад мергандан эшитиб, Шодмон мерган Асад мерганга қараб бир сўз деди:

Майдон бўлмай бедов отлар чопилмас,
Кўп чопилса хоса тулпор совулмас,
Излаганда бундай майдон топилмас,
Жургин Асад, ният майдон борайик.

Майдонда кесилар душманнинг боши,
Қиёматча бўлар марднинг саваши,
Бу майдондан қочган номарднинг иши,
Жургин Асад, ният майдон борайик!

Бу ишларни қилган Чамбил Авази,
Ўлсангиз шаҳид, ўлдирсангиз ғози,
Бу ишларни қилган бекнинг ёлғизи,
Жургин Асад, ният майдон борайик!

Сенга айтай мен сўз билан жавобди,
Душмандан шаҳид ўлмоқ савобди,
Мард йигит олдидан майдон чиққан сўнг,
Номард бўлиб қочмоқ бизга на бўпти.
Жургин Асад, ният майдон борайик!

Чамбил элда баҳодирлик қиласан,
Гўрўғлидан оту анжом оласан,
Майдон кўриб, қандай қочиб борасан?
Чамбилда сўраса баҳодир беклар,
Уялмайин қандай жавоб берасан?
Жургин Асад, ният майдон борайик!

Бу сўзни эшитиб, Шодмон мерганга қараб Асад мерган бир сўз деб турибди:

Шу кунларда сўфи-дарвеш бўлибман,
Ғайри диннинг валлоҳ юзин кўрмай деб.
Кеча-кундуз аҳду паймон қилибман,
Журинг ора, Чамбил элга жўнайик!

Борар бўлсанг Шодмон ора, бора қол,
Увол-савобингни ўзинг ола қол.
Ўлдирсанг, ҳам мен бормайман қўя қол,
Журинг ора, Чамбил элга юрайик!

Мендайин ўғлоннинг кўнглин бўласан,
Синамаган ёвда нима қиласан,
Қазом етиб, ўлиб кетсам майдонда,
Сен менинг қонима зомин бўласан.
Журинг оға, Чамбил элга жўнайик!

Бу сўзни Шодмон мерган эшитиб: — Мен бир ўзим ёлғ майдонга борадиган бўлсам, аввал сени ўзим ўлдириб, сўнг ёлғиз ўзим борайин, —деб қўлини олмос-пўлатига узатғ қиличини қўлига ола берди. Шодмондан Асад мерган қўрқ — Ундай бўлса, юрсанг юра бер, майдонга борамиз, — д мерганнинг орқасидан юра берди.

Иккови бирга-бирга тоғнинг бошига чиқиб қараса, то нинг у тарафида душманнинг кўп лашкари бор. Буни бул кўрди. Асад мерган айтди:

— Эй Шодмон ака! Бу душман кўп экан, уларнинг усти босиб бормоқ мушкул-да. Лекин булар ҳам ўзлари қўл б ҳодир зўравор эди. Урушни кўп кўриб, урушдан тайсалл қолган эди. Урушга кирганда лак-лак лашкарлар билан ҳ қайсилари баробар урушар эди, ҳийлайи ҳийлагар бўл қолган эди. Душманларга узоқдан кўриниш бериб, Ас мерган бу сўзни айтиб бораётир: — Душманга сиёс қилайик, урушга Гўрўғли келди деяйик, Гўрўғлининг дон Доғистонга кетган. «Гўрўғли келди» деса бешикдаги бола йиғламай ётган, душманга Гўрўғлининг зарбаси ўтган, деб бу сўзни айтиб келаётир:

Буви Ҳилол гўрда туққан,
Қиличин қон билан ювган,
Чамбилдан Гўрўғли келди.

Хон Гўрўғли Чамбил элнинг тўраси,
Кўринади ботирларнинг донаси,
Чамбилдан Гўрўғли келди душманлар!

Бул оҳини бир Оллога етказиб,
Душманни ўлдирар барин йиқариб,
Чамбилдан Гўрўғли келди душманлар!

Душман, кўргин Гўрўғлининг ишини,
Қамсаб кесар сендайларнинг бошини,
Сулатар душманнинг гавда-бошини,
Чамбилдан Гўрўғли келди душманлар!

Ейди душманнинг бу кун гўшини,
Қойил бўлар анга халқи замона,
Душманлар сенга бермас амон-а,
Душманлар билмас қилар ишини,
Ёмон кунда тўкар кўздан ёшини.

Бу сўзни душманлар эшитди. Шундай қараса, икки отлиқ тоғдан бақириб-чақириб сиёсат қилиб келаётир. Буни кўриб: «Бояги Гўрўғлининг одами экан, бу келаётганнинг бирови тайин Гўрўғли», — деб душманлар зангловини ташлаб, отини битта-битта ушлаб, қочар йўлини бошлаб турди. Мерганлар шундай қаради: лашкар қўзғалди. Уруш кўриб юрган гиранда эмасми, Гўрўғлининг отини тутиб: «Мана мен урушга келдим, Гўрўғли бўламан, қаёққа қочиб қутуласизлар», деб икки мерган бирда душманнинг устига қараб от қўйди. Душманлар кўриб ақли шошиб, такбиридан адашиб, Асад мерган кўнглин хушлаб, душманларнинг лашкарини қира бошлади.

Душманларни тўплаб олиб,
Еттанига қилич солиб,
Ҳар дара ўликка тўлиб,
Бош кесар майдон ичинда.

Тоғ аскарин чалиб туман,
Душманларга бермай омон,
Шу сифатда Асад Шодмон,
Бош кесар майдон ичинда.

Кесилди душманнинг боши,
Сел бўлгандир кўзда ёши,
Шулдир мерганлар саваши.
Бош кесар майдон ичинда.

Ошиқ фаҳми оқшом-кеча,
Ҳолин билмайди бир неча,
Душманлардан ўлди анча,
Қирилди майдон ичинда.

Еттанига қилич солди,
Қочқинчиси йўлга кириб,
Тўпу тўпхоналар қолди.

Эшитингиз мерганларнинг сўзини,
Қамсаб кесди душманларнииг ўзини.
Ногаҳондан бораётиб мерганлар,
Йўлда кўрди Ғиркўк отнинг изини.

Хазон бўлиб боғда гули сўлибди,
Шум фалак бошига савдо солибди.
Отнинг изи қизил қонга тўлибди,
Ё ярадор ёки Аваз ўлибди.

Мерганларнинг хаста кўнгли бузилди,
Кўздан ёши қатра-қатра тизилди.
Ғиротнинг изини кўриб мерганлар,
Тоққа қараб бурди отнинг бошини.

Шунда душманларнинг ўлгани ўлди, қочгани қочиб қутилди, тўпу тўпхоналар ўлжа бўлиб қолди. Бу ўлжаларга мерганлар қарамай, Ғиротнинг изидан эргашиб, тоғнинг бошига қараб Аваз билан Ғиротни ахтариб бораётир.

Тоғнинг устига чиқиб борди. Мерганларнинг отини кўриб Ғиркўк кишнаб қўя берди. Бунинг кишнаганини Авазхон эшитиб, «Душманлар келиб қолди», деб жон талвасасида бошини кўтариб қаради. «Булар мерганлар ўзимизнинг одамларимиз экан», деб яна бошини қўйиб ётди.

Мерганлар Авазнинг бу ҳолини кўриб: — Энди Авазни ўлдирмоқ керак. Бу ўлган йўқ, ярадор экан, ҳеч нимага ҳолати қолмай қолган экан, — деди. Яна ўйлаб айтди: — Авазни ўлдирсак, ўлар-кетар, бундай ўғил пайдо бўлмай қолар. Авазни ўлдирсак, Ғиркўкнинг ўзини Чамбилга қуруқ миниб олиб боролмасмиз, Торкистон шаҳрида Малика парини ҳам икковимиз ололмас

миз. Эндиги маслаҳат: дори-дармои қилайик, Авазни тузатиб олайик. Аваз ўзи учун ўзи хизмат қилиб, Торкистонга борар, Малика парини олар — бизлар шаҳарларни томоша қилайик, кўрганимиз қолади. Қайтиб шу ерга келганда, Авазни ўртага олайик, бошини юлайик, бехавотир маликани Чамбилга олиб борайик. Гўрўғли: «Авазим қаёққа кетди, қаёқда қолди»,— деб сўраса, «Авазинг бир девнинг қанжиғасига илиниб бекорга ўлиб кетди», — деб айтайик. «Баракалла мерганлар, тила мақсадларингни», — деса, Ҳазорасп шаҳрини тилаб олайик, — деди. Асад мерган айтди: — Эй Шодмон ака, тила деганда Ҳазорасп шаҳрини тилаб ўтирма, Болқиён шаҳрини ҳам қўшиб тила! Бола-чақанг ризқи, бир шаҳар бизларга нима бўлади?!

Икки мерган бу сўзни кўп ўйлаб, маслаҳат қилиб, Аваз-нинг олдига бориб, баданига теккан ўқларни суғуриб олиб, ўқнинг жойидаги қора қонларини сўриб ташлади. Иккови ҳам Чамбилда дафтари эмасми, Авазга дори топмоқ учун тоққа чиқиб кетди. Ногаҳон олдидан бир айиқ чиқди. Уриб отиб олиб, ўтини олди. Яна бир қашқирни отиб олиб, қартини олди, тошбақанинг моягини олиб, уччовини бирга қўшиб, аралаштириб, юмуртқа малҳам қилиб, Авазнинг яраларига тортди.

Авазнинг яраси андак тузалиб отга минадиган бўлди. Уччови отланиб, отларига миниб тоғдан пастга тушиб, Торкистоннинг чўлига Малика парини ахтариб кета бердилар. Шунда Асад мерган Авазга қараб, Аваз сен менинг эсонлигимда ғам ема деб, бир сўз деб бораберди:

Ушбу дамнинг дамларини дам дема,
Шукур қилгин, давлатингни кам дема,
Мен эсон-да Аваз ўғлон, ғам ема!

Ҳамроҳ бўлдинг, Асад, Шодмон тўрага,
Рад этарман кўкдан келган балога,
Мен эсонман, ғам емагин садаға.

Отим Асад, ўзим мисли аждаҳор,
Савашли кун юз мингига баробар,
Ғайратимдан бўзлаб кетар душманлар,
Бош эсон-да, ғам емагин Авазжон,
Қабатингда Асад билан Шодмон бор.

Остимда юз алвон ўйнайди отим,
Белимда ярқиллар кескир пўлатим,
Шундай бўлар сипоҳилик одатим,
Мен эсон, ғам ема Авазбек зотим!

Ғиротни ўйнатиб элдан чиқибсан,
Баҳодирлик дағдағасин қилибсан,
Душманлардан кўп жафони кўрибсан,
Тоғ бошида ғариб бўлиб қолибсан.

Худойим сақлагай бандани омон,
Бошингдан кеттандай қайғули туман,
Иш кўрсатди Асад билан бек Шодмон,
Жафо кўриб хафа бўпсан Авазжон.

Бу сўзни Асад мерган айтиб бораётир. Авазхон индамай: «Кўтарилсанг кўтарила бер», — дебди. Асад мерганнинг кўзи фил минган душманнинг ўлигига тушди. Қўрқиб, отининг жиловини тортиб, нашъаси учиб, хаёли қочиб турди. Аваз айтди: — Ботирлар, ҳайдай беринг, бу ётган ўлик.

Мерганлар айтди: — Авазжон, буни ким ўлдирди?

Аваз айтди: — Мен ўлдирдим.

Мерганлар айтди: — Эй Авазжон, шуни ўлдирган бўлсанг, сен ҳам яхши бўлиб қолган экансан.

Бундан ўтди. Бадбахт чўлга етди. Ўлик деган боғдай бўлиб қийраб ётибди. — Буни ҳам мен ўлдирдим. Шу ерда ярадор бўлган эдим, — деди.

Мерганлар айтди: — Авазжон, сен шуларни ўлдирган бўлсанг, дуруст бўлиб қолган экансан, сенинг ҳам оёқ олишинг дуруст экан, бизлар билан бирга юриб, урушнинг тартибини таълим олсанг, бизлардай бўлиб қоласан экан, — деди. Лекин Аваз буларнинг сўзига индамади, жавоб ҳам бермади. Учови қирқ кеча-қирқ кундуз йўл юрди.

Йўл юра-юра айни савр деган кунларда Белдос деган бир қирга етиб, беклар отдан тушиб, отларни ўтлатиб ётди. Мерганлар айтди: — Авазжон, бора турган жойинг яқинми? Ўзинг биласанми, неча кунда борасан, қайси шаҳарга борасан? Кунма-кун бедов отлар билан йўл тортамиз, сира етмаймиз, ўзинг йўлни биласанми, ё бекорга юриб адашиб

кетиб бораётибмизми? Дунёнинг юзидан чиқиб кетдик. Энди дунёнинг четига бораётибмиз.

Аваз айтди: — Мен ҳам кўрганим йўқ. Отам шу ёққа деб айтган эди.

Уччови сўзлашиб гаплашиб туриб эди, бир тепадан тутун чиқаётир. Мерганлар айтди: — Эй Авазжон, ҳов анов тепадан тутун чиқаётир, борадиган шаҳаринг шу тепанинг остида бўлмасин?

Авазхон айтди: — Бўлса бўлар, икковинг бир бориб, хабар олиб келсаларинг-чи.

Мерганлар айтди: — Авазжон, сен ёш боласан, чопқиллаб бориб хабар олиб келсанг; шу шаҳар бўлса келиб бизларга хабар берсанг, ундан кейин борамиз.

Авазхон хайр деб ўрнидан туриб, пиёда бўлиб, тепани айланиб бориб қараса, олдидан бир ғор чиқди. Ғорга бора берди. Қараса ғорда бир дарвоза кўринди. Дарвозани очиб ичкари кириб қараса, қирқ дев ароқ-шароқ ичиб, маст бўлиб ўтирибди. Чиқиб турган тутун ароқ ичиб шағал маст бўлиб ўтирган девларнинг дами эди. Бу қирқ девнинг каттасини Япроқ дев дер эди. Авазжонни кўриб, вақти хуш бўлиб, кулиб, «худодан ҳар нима тиласак берар экан, маст бўлиб эдик, устидан ейдиган барра кабобни ҳам берди», деб олдидаги хизматкор девларига қараб бир сўз деди:

Ёш ўғлоннинг билмаганин билдиринг,
Урмай, сўкмай шодиёна кулдиринг,
Барра гўштин қанорага илдиринг,
Ҳаяллатмай ёш ўғлонни ўлдиринг!
Қулоқ солгин мендай шоҳнинг нолишига,
Кўнглим кетди ёш ўғлоннинг гўшига,
Шоҳинг боссин унинг гўштин тишига,
Ундай-бундай деса уринг бошига,
Кавоб қилиб келтир шоҳнинг қошига.
Дод айласа эшитмагин сўзини,
Зулм билан ўйинг икки кўзини,
Ажал ҳайдаб бунда келган ёш ўғлон,
Ҳаяллатмай ўлдиринглар ўзини.
Хазон бўлиб боғда гули терибди,
Ажал етиб паймонаси тўлибди,

Бу ерларга ажал ҳайдаб келибди,
Дамга куймай ёш ўғлонни ўлдиринг.
Ризқимизга шундай кавоб берибди,
Тўкинглар кўзидан селоб ёшини,
Ҳаяллатмай дарров кесинг бошини,
Ўртага олиб онг бунинг гўшини.
Мен билмайман қай шаҳардан келибди,
Ризқимизга худой буни берибди.

Авазхон бу сўзни девдан эшитиб, девларга қараб сўз деб турибди:

Баҳорда очилган боғиинг гулиман,
Юнусман Мисқолнинг жону дилиман.
Отим Аваз, Гўрўғлининг ўғлиман,
Бу ерларга девни излаб келдим ман.
Отга солиб арпа билан ийирди,
Қор ёққанда карвон солди чийирди,
Чамбилда Гўрўғли отам буюрди.
Девларга бўлганди менинг сафарим,
Чамбил элда бордир менинг лашкарим.
Чамбил элда мен ҳам бекман, тўраман,
Қилич урсам дарров бошинг оламан,
Чамбил элтиб сени лойга соламан,
Чамбилнинг қўчқори ўзим бўламан.
Остимда ўйнайди юз алвон отим,
Майдонли кун тоша келар ғайратим,
Отлана бер, ҳаёлламай, зўр девлар,
Чамбил элга элтсам бўлар мақсадим.
Аё девлар, тимсол айтай бир алвон,
Бу давлатни менга берганди раҳмон,
Ул мени буюрган, Гўрўғли султон,
Гўрўғли ўғлиман отим Авазхон.
Ҳаёллама, олдимга туш бу замон,
Йўқса, қиларман бошингга охир замон.

Гўрўғли деган сўзни эшиттандан пойгада турган де қочиб тўрга ўта берди. Бир-бирини босиб, такбиридан шиб, ақли шошиб, тўполон бўлиб қолди. Шунда Япро

айтди: — Эй девлар, шошманглар, ҳовлиқманглар. Мен гапнинг ростини сўрайин, қўрқманглар, бу келган жондор жиянимиз бўлар экан, — деб Авазжонга қараб бир сўз догани:

Асқартоғнинг бошин чолган туманми,
Ғамли дўлга мудом охир замонми,
Танимасни сийламас дер Авазжон,
Чамбил элда Мисқол опам омонми?

Ғам билан сарғайди гулдайин дийдор,
Бир нечалар ўз ҳолидан бехабар,
Чамбил элдан келган бўлсанг бек-тождор,
Чамбилбелда Юнус Мисқол опам бор,
Юнус пари Мисқол опам омонми?

Хазон бўлиб боғда гуллар сўлмасин,
Хаёлингга бошқа гаплар келмасин,
Бу сўзни одамхўр езнам* билмасин,
Кўнглига оғир олиб қолмасин.
Қора кунни биздай шўрга солмасин,
Айлаб одамхўр езнам келмасин.

Бу сўзни Авазхон девлардан эшитиб, девларга қараб бир сўз деб турибди:

Юрагимга солма доғу аламни,
Бориб обод қилсам кулбахонамни,
Девлар-а сўйлайсан пари энамни,
Шул энамнинг сен нимаси бўласан?

Давлатимдан шоли-шолдам ўрадинг,
Гул тарзинг сарғайиб менга қарадинг,
Паризод энамни мендан сўрадинг,
Шул энамнинг сен нимаси бўласан?

Бу сўзни эшитиб, Япроқ дев Авазхонга қараб бир сўз деб турибди:

---

*Почча

Сен эшитгин тоғаларинг сўзини,
Бизлар кўрдик бек езнамнинг ўзини,
Ўн ярим лак девга зўрлик етказиб,
Олиб кетди Шоврубшоҳнинг қизини.

Бир кунлари келди дарёдай тошиб,
Эрам боғда девлар билан савашиб,
Девлар қолди унда ақли шошиб,
Бир-биридан девлар юрган адашиб.

Олмадайин сўлган, гулдай тарзим бор,
Аваз ўғлон, сенга айтар арзим бор,
Энанг париларга подшоҳ вақтида,
Бизлар эдик ул энангта хизматкор.

Айтган сўзин поён ниқоби эрдик,
Энанг париларга подшоҳ вақтида,
Шул энангнинг бизлар мешкоби эрдик,
«Танимасни сийламас» дер, Авазжон,
Бул тоғанг бўлмасин яна гуноҳкор,
Отангта айтмагин Аваз зўравор.

Шунда бу қирқ дев Авазхонга узр-маъзурлар айтиб, танишиб, сўрашиб, ҳаммаси бўлакдан кўришиб ётибди: — Отингиз, жўрангиз йўқми, ўзингиз пиёда келдингизми? — деб сўради.

Аваз айтди: — Отимиз, меҳмонимиз ҳам бор.

— Ундай бўлса, бировинг бориб олиб кел! — деб Япроқ дев буюрди.

Бирови югуриб тепанинг орқасига қараб чопиб чиқди. Мерганлар қараса, тепада бир дев ялангдаб келаётир. Мерганлар буни кўриб, ақлидан шошиб, кўзи қамашиб, Асад мерган Шодмон мерганга қараб айтди:

— Эй Шодмон ака, бу ер девнинг жойи экан. Аваз борган сўнг Авазни еб туриб, «Бунинг жўраси бордир» деб бизларни ахтариб келаётир.

Икковининг ақли шошиб, девга қарамай кета берди. Дев қўл булгаб қанча чақирди, булар қарамади; ночор, қайтиб Авазнинг олдига келди.

— Жияним у меҳмонларингиз қандай? Бу ёққа юринг деб чақирсам, қарамай у ёққа бораётибди. Югуриб жиловлаб қайтарайин десам, сизнинг кўнглингизга «қўрқитибсан» деган гап келар деб, қайтаролмай югуриб келдим, — деди.

Авазхон айтди: — Сизлардан қўрқмоқ қайда! Уларни Чамбил элда Асад, Шодмон шер дейди, ҳар қайсиси таътилига тўқсон девни ер дейди.

Дев айтди: — Менинг етмаган ажалим; жиловлаб қайтармаганим яхши бўлган экан.

Аваз айтди: — Отам мени сизларга буюрганда иккови бирга чиқиб эди: «Аваз билан бирга борайик, ҳориган-чарчаган девларни еб келайик», деб келган эди. Улар қўрқиб қайтиб кеттан эмас: уларнинг оти ҳуркиб, жилов бермай кетаётгандир. Мен, сен ҳаёллаб келганга сени улар еб ётган экан деб гумон қилиб турган эдим. Ундай бўлса мен ўзим бориб уларни олиб келайин, — деб Авазхон ғордан чиқиб қаради, кўзкўрим ерда қорайиб кетиб бораётир. Аваз уларга қараб, қўл булғаб чақирди. Авазнинг товуши уларнинг қулоғига борди. Мерганлар: «Аваз бор экан-ку», — деб Авазнинг олдига қайтиб келди. Айтди: — Авазжон! Бу ерда дев бор экан. Сен девни кўрсанг оға, тоға чиқиб қоладиган касалинг бор. Бизларни энди эргаштириб девларга едириб қўймагил.

Аваз айтди: — Бир дев бор экан, уни мен катталик қилиб, «айтиб кел» деб буюриб эдим. Бир дев бўлса, сенинг бировинг ҳам бас бўласан.

— Ундай бўлса ҳайда, борамиз, — деб мерганлар Аваз билан бирга келиб, шердиллик билан дарвозадан кириб қолди. Гўрўғлининг ҳурматидан қирқ дев бирдан югуриб келиб, отнинг жиловидан ушлаб қолди. Бу девларни кўриб, мерганларнинг ранги-туси ўчиб, қони қочиб, кўзи олайиб, бўғилиб, қалтираб мазаси кетиб қолди. Шодмон мерган отга суяниб базўр тушди. Асад мерган қўрққанидан қурғур ўзини тўхтатолмади, тушаётиб бир оёғи узангида қолди. Девлар ҳайрон қолди.

— Бу меҳмон нимага йиқилди? — деди. Шунда Авазхон бу сўзни айтиб турган экан:

Меҳнат тортиб Чамбил элдан келасан,
Дев гўштига хумори бўп юрасан,
Девнинг мўлин бу ерларда кўрасан,
Қирқ тоғамнинг барин нобуд қиласан.

Сен эшиттин Авазнинг нолишини,
Ёлвориб ўртага солган ишини,
Бу орада Аваз ўғлон бўлмаса,
Сен ейсан-ку қирқ тоғамнинг гўшини.
Нодон кўнглинг ҳар хаёлга бўлмагин,
Қирқ тоғамнинг барин нобуд қилмагин.

Сендайин мардларнинг ҳолин билар-да,
Айрилиқ ғамлари бағрин тилар-да.
Қирқ тоғамнинг барин нобуд қилмагин,
Бировин ўзингга сўйиб берар-да.

Бу сўзни айтиб мерганларни кўнглини хушлаб, майхонага эргаштириб бошлаб олиб борди. Девлар Аваздан вақти хуш бўлиб, «Аваз бўлмаганда булар ҳаммамизни ўлдириб ер экан», деб Аваздан миннатдор бўлиб, меҳмонхонага киргизиб, меҳмонларнинг остига тўшак ташлаб ўтирғизди, кўп сийлади, югуриб хизматин, зиёфатин қилди. Бир қўйни сўйиб шўрвасига тўйиб, гўштини пишириб, корсонга солиб буларнинг олдига олиб келиб қўйди. Авазхон гўштдан олиб еяётир. Шодмон мерган ҳам гўштдан олиб еяётир. Асад мерган ҳам бир туюрини олиб емоқчи бўлиб оғзига солди. Қўрққан қурғур гўштни томоғидан ўтказолмай ютиниб томоғида қолди. Шунда девлар сўради:

— Аваз жияним, бу меҳмон нимага гўштдан емайди?

Унда Авазхон айтди:

— Бир туюрни олиб, «дев гўштимикин», деб оғзига солди, қўй гўшти эканлигини билиб емай қолди. Буниси одамнинг айтганига унча-мунча кўнади, шунисига битталарингни сўйиб бермасаларинг бўлмайди.

Девлар ҳам Асаддан қўрқади. «Қони суюқ, рангида қони йўқ, кўзи олайган ёмон йигит экан», деб девлар қўрқиб турибди.

— Эй жияним! Бизларни кам қилиб нима қиласиз, бизлар қирқтамиз. Манов ерга борсаларингиз, қочиб юрган, учиб юрган оқсоқ-тўқсоқ девлар кўп, шулардан ушлаб олиб, босиб еб кета берасизлар, — деди. Асад мерганнинг бўғини бўшаб кетди. «Девларни шулар десам булардан бошқа девлар ҳам бор экан, энди мен қандай қиламан», — деб кўзи бўзариб, туси қочиб кета берди. Шу кўргиликда шу оқшом булар девларнинг майхонасида ётди.

Эрта билан тонг отди. Кун чошгоҳ ҳаддига етди. Лекин девлар «ҳашарга олиб бораман» деганини эшитган эмасми, кўнглида ўйлаб, «Ҳайдаб кетиб қоладими» деб ҳайрон бўлиб турибди. Авазхон индамай дам бўлиб ўтирибди. Шунда девлар: «Энди булардан қайси ишга борувини, нима иш учун юрганини билайик. Йўл бўлсин, деб сўрайик, кўнглида нима борини билайик», — деб Япроқ дев Авазхонга қараб бир сўз деди:

Гап эшит Авазхон айтган тилимдан,
Олмос-пўлат айрилмайди белингдан,
Не сабабдан чиқдинг Чамбил элингдан?
Йўл бўлсин, Авазхон, қайга борасан?

Ёлғон чиқсин Чамбилдаги ҳашаринг,
Бўлак юртга бўлсин сенинг сафаринг,
Ёлғон айтма ростин сўзла шунқорим,
Йўл бўлсин, Авазхон, қайга борасан?

Жаҳонни сайр этиб мунда келдингми,
Ё узоқ ерларга сафар қилдингми,
Йўқса бир парига ошиқ бўлдингми,
Йўл бўлсин, Авазхон, қайга борасан?

Остингдаги бек отангнинг тулпори,
Сен бўласан Чамбил элнинг қўчқори,
Ё тегдими бир парининг хабари,
Йўл бўлсин, Авазхон, қайга борасан?

Бу сўзни Авазхон Япроқ девдан эшитиб, девларга қараб ҳр-ҳолини хабар бериб, бир сўз деб турибди:

Шакаркўлга отам овга борибди,
Маликадай паризодни кўрибди,
Олтмиш йиллик йўлни қарор берибди,
Торкистон деб пари ваъда қилибди.

Шу сабабли чиқдим Ёвмит элимдан,
Қаҳрлансам ҳар иш келар қўлимдан,
Торкистон йўлини бошлагин девлар,
Торкистонгачайин бўлинг хизматкор.

Сен эшиттин Авазхоннинг сўзини,
Кучук босмас йўлбарс шерининг изини.
Излаб чиқдим Қосимшоҳнинг қизини,
Олсам Торкистоннинг сарвинозини.

Ваъда берган Маликадай гажакдор,
Кўрсат девлар, менга Торкистон шаҳар,
Ҳаёлламай бўлинг менга хизматкор,
Отам амри билан келдим муқаррар.

Бу айттан сўзимни ҳазил билмагин,
Бадбахт девлар, тарқашовлик қилмагин,
Ҳазил билиб, ғариб бўлиб ўлмагин,
Торкистонгачайин бўлинг хизматкор,
Бек отам бўлмасин йўлга интизор.

Япроқ дев Авазга қараб айтди:

— Жияним бизлар Ямандан Ясарни, Хитой-Хўтонни барча жаҳонни, шаҳри Бежонни қолмай учамиз, ҳалигачайин бундай парини, бундай шаҳарни ҳеч ердан эшиттанимиз йўқ, янгитдан сиздан эшитиб турибмиз.

Унда Авазхон:

— Эшиттан бўлмасаларинг, энди бизга хизмат қилсаларингиз, — деди.

Япроқ дев: — Хайр, бизлардан пари — йигирма йиллик йўлда Қизил дев деган бир дев тоғангиз бор, шундан сўрайсиз-да, шу билмаса бизлар билмаймиз, дев тоғангизнинг хизмати, Гўрўғли эзнамнинг ҳурмати, — деб Япроқ дев бир тилсимот ўқиб учовини учта олма қилиб, ёқасига солди-да

қўйди: яна бир тилсимот билан уч отни уч тўрғай қилиб, қўйнига солди, шундай қилиб осмонга учиб кета берди.

Авазхонга девлар бўлди хизматкор,
Фалакда булутман бўлди баробар,
Олма бўлиб Авазхондай зўравор,
Тўрғай бўлиб чулдирайди бедовлар.

Торкистон деб кўзлаб учади девлар,
Бу ишлардан Аваз ўғлон бехабар,
Олма қилиб искаб кўради девлар,
Бир нечаси бул кўнглига келади.

Хабар топса ўлдиради Гўрўғли зўравор,
Кўнглин бўлмай уча берди ул девлар.
Ўн кеча-ўн кундуз учгандир шу дев,
Бир ерга қуюлиб тушди, муқаррар.

Бир тилсимот дуо ўқиб дам қилди. Авазхон қадимги аслига келди, отлари ҳам аслига келди. Шунда Авазхон айтди: — Тоға! Сизнинг жойингиздан бери қанчалик йўлга келдик? Дев айтди: — Жияним, мен кеча-кундуз учиб келаётирман, менинг юришимга йигирма кунлик йўлга келдик, сенинг бу отларингнинг юришига йигирма йиллик йўлга келдик.

— Тағин йўл бошланг, — деди.

Унда дев айтди: — Мен ўз чегарамизга келдим, бу ёғига боролмайман, менинг хизматим шу бўлди, энди сизларга қувват берсин, — деб Авазхонлар билан омонлашиб Япроқ дев орқасига кетди. Беклар йўл бошлади.

Шунда Асад мерган билан Шодмон йиғлайди: «Энди бизлар элни, одамни кўрмай ўламиз. Девлар билмайди, бу қандай билади?! Бу Авазнинг ўзи ўлган одам эди, бунга қўшилиб, эргашиб юриб, бизлар ҳам ўлдик. Энди ҳали ҳам бўлса жавоб сўрайик, элимизга борарни кўзлайик», — деб иккови Авазхондан жавоб сўраб, бир сўз деди:

Илойим биз ботир бўлмай кетайик,
Жавоб берсанг Аваз, элга қайтайик,

Аввал бошлаб биз йўликдик девига,
Энди йўликмайик одамовига.

От чопса гумбурлар тоғнинг дараси.
Ботирни инграатар найза яраси.
Узоқ экан Торкистоннинг ораси,
Бизларга рухсат бер Чамбил тўраси.

Билдик биздай мерган ғариб ўлади,
Гулсанамдай ёрим кимлар олади?
Бола-чақам етим-есир бўлади,
Жавоб берсанг Аваз қандай бўлади?

Кетмади бошимдан бир зарра туман,
Қайтиб элни кўрмоқ бизларга гумон.
Энди бизга жавоб берсанг Авазхон,
Жавоб тилаб турибди бу Шодмон.

Бу сўзни Шодмон мергандан, Асад мерган эшитиб, Шодмон мерганга қараб, жавоб сўранг бирга-бирга кетайик деб бир сўз деди:

Жавоб тиланг бирга-бирга кетайик,
Ўлмай юринг, Чамбил элга етайик,
Ҳар на кўрганимиз бориб Чамбилга,
Дўст-душманларга бориб айтайик.

Йўлимизда кўпдир девлардан душман,
Авазхондан жавоб сўранг Шодмонжон.
Кеча-кундуз ҳаққа фиғон этайик,
Жавоб тиланг бирга-бирга кетайик.

Айролиқ ўтига бағримиз доғлаб,
Биз кетайик Чамбил элни сўроғлаб.
Жавоб тиланг бирга-бирга қайтайик,
Бола-чақа қолмасин-да қон йиғлаб.

Шодмон ака, эшит айтган сўзимни,
Саломат кўрайик ўғил-қизимни.

Бу гапларга жавоб берса Авазхон,
Бу ерларда турмай кетмоқ лозимди(р).

Авазхон Асад мерган билан Шодмон мерганнинг сўзини бирдай кўриб, бу икки мерганга диллорлик бериб, бир сўз деди:

Кўзда ёшинг мунчоқ-мунчоқ тизилди,
Дийда гирён бўлиб бағринг эзилди,
Йиғлама, мерганлар, кўнглим бузилди,
Саломат кўрарсан ўғил-қизингди.

Баҳодирлик даъво қилиб келасан,
Не сабабдан, бекор кўнглинг бўласан,
Жаҳонни сайр этиб мунда кўрасан,
Ўлмасанг бир куни Чамбил борасан.

Бедовман йўллар тортсам керак-да,
Кунма-кундан зўрға етсак керак-да,
Ер остига тушиб кетсак керак-да,
Ундан сўнг Торкистон етсак керак-да.

Сен эшитгин менинг айтган сўзимди,
Олмадай сўлдирма гулдай юзингди,
Кўзларингда селоб ёшинг тизилди,
Йиғлама мерганлар кўнглим бузилди.

Чамбил ўлкаларим ёдима энди,
Саломат кўрарсан ўғил-қизингди.
Чамбилбелда сен ҳам юрган тўрасан,
Ўлмасанг, бир куни Чамбил борасан.
Ўғил-қизинг соғ-саломат кўрасан,
Не сабабдан, мерган, кўнглинг бўласан?!

Бу сўзларни айтди Чамбилнинг марди,
Остида ўйнайди бекнинг Ғироти,
Мерганларга зўр айлади Авазхон,
Бош бўлиб жўнай берди шу замон.
Нима дерин билмай Асадман Шодмон.
Боғбон бўлса боғнинг гули терилди,
Ярашиқда от кокилин ўрилди.

Ногаҳондан борар эди бу беклар,
Ярқиллаб Гулшаннинг боғи кўринди.

Беклар Гулшан чорбоғига йўл юриб етди, отнинг ж
ловини тортди, бедовларни тўхтатди. Мерганларга қа
Авазхон айтди: — Эй мерганлар! Сизлар шу ерда отлар
ушлаб турингиз. Бу бир боққа ўхшайди, мен бориб бу
ғотни кўриб келайин, қандай жой экан, билиб келайин.

Мерганлар айтди: — Авазхон! Бошқага бандаргоҳ бўл
кириб чиқмоққа расм бўлса, сенга касм бўлди. Сенинг отинг
ушлаб турмоққа ҳам бизда жон қолмади. Кеча келаёт
ерда бизларга от ушлатиб, ўзинг кетдинг, бизларга дев
юбориб юрагимизни ёрдинг. Энди борар бўлсанг, кўнглинг
хушла, отингни бир тошга бойлаб ташла, бизлар анови
пани бетга олиб, орқа сиртида қоровуллик қилиб турам
Бу ер девнинг макони бўлса, «Меҳмоним бор», деб бизл
ни айтмаёқ қўя қол, девлардан қўрқиб ҳам ўлдик, девл
нинг қилган зиёфатидан ҳам кечдик.

Бу сўзни Аваз мерганлардан эшитиб, кўнглини хуш
отини бир тошга бойлаб ташлаб, боғотга қараб юриб ке
Мерганлар шу ерда панароқ ерни олиб туриб қолди.

Авазхон боғотга етиб, эшикни очиб ичкарига кир
Шундай қараса, олмалар пишиб ётир, остига тушиб ёт
бир нақш олма Авазнинг бошига тегайин деб турибди.
мадан емоқчи бўлиб қўл узатди, олма дариллаб осмо
чиқиб кетди, қўли етмай ҳайрон бўлиб ўтди. Яна бир е
бориб қараса, бир тўп анжир пишиб-етилиб турибди.
жирдан емоқчи бўлиб қўл узатди, анжир томири би
қўпорилиб осмонга бу ҳам чиқиб кетди. Бундан ўтди,
сарҳовузга етди, суви лабба-лаб бўлиб турибди. Суви
ичайин деб қўлини узатди, суви қирқ газ пастга ту
кетди, қўли етмай-бундан ҳам ҳайрон бўлиб ўтди. Бун
ўтди, бир боққа етди. Ҳусайни узумлар, қора узумлар пи
шалвираб турибди. Авазхон: «Улар баланд эди, паст
кўчиб пастга тушиб қутулди, норбаста ерда бу узумла
босиб олсам ҳам, булардан бир бошини оламан», —
кўнглини хушлаб, токларнинг устига ўзини ташлади.
шингил узумни оғзига олиб тишлади. Бир токнинг на
келиб, Авазнинг бўйнидан ўраб олди. Авазжон токка ўра

бўйни бўғилиб ўлаёзиб қолди. Оғзидаги узумни ташлади. Сўнгра токнинг нарги қуйворди. Бундан ўтди, уч кўшкка етди. Уч кўшк: ичкима-ички, зертанг-забартанг, обод жой. Пастки кўшкда ош дамланиб турибди. Авазхон айтди: «Бу онгда хўп қулай йўлиқдим, буни сузиб еб олайин». Товоққа қўлини узатди, товоғи чўпчиб, анча ерга бориб турибди. Авазхон «Бу қозонни қанталимда босиб ушлаб олмасам, қозони ҳам қочиб қутилиб кетса ажаб эмас», деб кўнглини хушлади, қозонинг устига ўзини ташлади. Капгир Авазнинг қўлтиғидан чиқиб кетди. Юқоридан келиб Авазнинг манглайига қуйиб юборди. Авазнинг манглайи ёрилиб қолди. Капгирдан таадди кўриб, манглайи ёрилиб «Бу қандай жодугарнинг макони экан, унинг эгасини бир кўриб кетмасам бўлмас», — деб қозоннинг бошида ёнбошлаб, бу сўзларни айта берди:

Одамман деб чиқдим Чамбил элимдан,
Ғариб бўлиб ҳеч иш келмай қўлимдан,
Қандай айёр манзилига келдим ман,
Жабр кўриб, жафо тортиб қолдим ман.

Баҳодирлик даъво қилиб юрардим,
Душманларга зўр ғавғолар солардим,
Бунда келиб ғариб бўлиб қолибман,
Қандай айёр манзилига етишдим.

Егани дарахти мева бермаса,
Ичай десам, обиравон бўлмаса,
Ошин еяй десам, капгири урса,
Қандай Кашмир манзилига келдим ман.

Авазхон капгирдан таёқ еб, таадди еб, бу қандай манзил экан деб турди. Бу жой Гулқиз деган парининг макони эди. Гулқиз парилар юқори-баланд кўшкда эди. Гулзамон деган ошпаз канизи бор эди.

Гулқиз: — Ошинг пишган бўлса, бориб сузиб кел, — деб Гулзамонга буюрди. Гулзамон пастки кўшкка келиб, Авазхонни кўриб, ошиқи беқарор бўлиб: «Шундай йигит ёринг бўлса, мундан ёмон бўлса, садқайи саринг бўлса,

мундай йигит ҳар кимга ўнғай кела бермас, ҳеч бўлмаса бир ваъдали ёринг бўлса», деб Авазнинг олдига яқинроқ бориб қаради. Қараса Юсуф талъатли, Искандар савлатли, Рустам жасадли, ажаб суратли йигит қозоннинг бошига хаёли кочиб, ҳеч қаёққа қарамай ёнбошлаб ётибди. Гулзамон ўйлади: «Бунга бир сўз айтиб кўрайин, агар ихтиёр қилса, бувишим ҳам билмай қолсин, мунинг билан бир ёнашиб олайин», деди. Авазга қараб, сўз қотиб деди:

Кокилларим эшилгандир тол-тол,
Ҳар толига берса етмас дунё-мол,
Бу сўзга, давлатли хоним, қулоқ сол,
Магар душман келса бўлади поймол.

Оша элдан меҳнат тортиб келдингми,
Сен ҳам менинг харидорим бўлдингми?
Оша элдан мени излаб келдингми?

Сен агар қўшилсанг бул бувишинга,
Қўл солиб ўйнасанг қордай тушима.
Борайинми, тўрам, сенинг қошингга?

Остингда кўрмадим араби тулпор,
Бу сўзларни айтар мендай гажакдор.
Сен бўлиб келдингми бизга харидор?
Тортинмайин жавоб бергин, муқаррар.

Сендан савол сўрар мендай парилар,
Кўнгил қилсанг, келгин давлатли шунқор,
Ўйнаб-кулиб тарқат кўнгилдан ғубор.

Яна баҳор бўлса очилар гуллар,
Гулни кўрса маст бўп сайрар булбуллар.
Сендан савол сўрдим мендайин дилбар,
Ўйнаб-кулсанг келгин давлатли шунқор.

Бу сўзларни Гулзамон Авазхонга айтди. Диққат бўлиб ётган Авазжон Гулзамонга сўйламади ҳам, қарамади ҳам, сўз қотмади ҳам. Унда Гулзамон айтди: «Бу одам мартабали одам экан, мени кўзга илмади, писанд қилмади. Бу йигит

менинг тенгим эмас экан, бекорга гапирибман. Энди му-нинг таърифини бувишимга айтайин, агар бувишим қабул тутса, ҳеч бўлмаса уч кечадан бир кечасини тилаб олайин, бўлмаса учдан бир бўлайин. Қандай бўлса мундан қуруқ қолмасин», – деб орқасига қараб дурсса қўйиб, «ердан те-миртак топган қулдай» бўлиб, чопиб баланддаги кўшкка етди. Бувисининг олдига бориб қаради. Гулқиз парини гала-гала қиз канизлар чалқарамон қилиб, чандирдай чўзиб, ўрта-га олиб, уқалаб, юмалатиб, юмалатиб-жумалатиб ходими қилиб ётиб эди. Гулзамон бориб бувишига бир сўз деди:

Ҳай деганда ҳаққа етгай нолишим,
Жон олгувчи жонон кўрдим, бувишим.
Жамоллари ойу кундан ғолибди,
Кўрганларнинг бежо ақлин олибди.
Мен билмайман қай шаҳардан келибди,
Жон олгувчи жонон кўрдим, бувишим.

Қийғир деган қуш ўлтирар қиёда,
Жамоллари ойу кундан зиёда,
Ҳуснин кўрса шохлар юрар пиёда,
Жон олгувчи жонон кўрдим, бувишим.

Мен билмайман қай шаҳардан келибди?
Жамоллари воллоҳ сиздан ғолибди,
Шундайин давлатли хон бунда келибди,
Билмам сизга ё харидор бўлибди.

Айтган сўзининг поёнини билсангиз,
Шундай шунқор билан ўйнаб-кулсангиз.
Уч кечадан бир кечани берсангиз,
Агар бизни учдан бир қиб қўйсангиз,
Жон олгувчи жонон кўрдим, бувишим,
Хумор кўзли жонон кўрдим, бувишим.

Белида ярқиллар кескир пўлати,
Не жойларда, билмам, ўсган элати,
Ҳар ким кўрса, қолмас анинг тоқати,
Рустамдан ҳам зиёдадир жасади.

Жон олгувчи жонон кўрдим, бувишим,
Жоду кўзли, ширин сўзли, бувишим.

Гулзамондан Гулқиз ойим бу сўзни эшитиб, ўрнидан тургани малол келиб, канизакларига қараб бир сўз деб турибди:

Хазон бўлмай борда гуллар сўлибди,
Манзилима қандай одам келибди?
Гулзамон кеп таърифи қилиб турибди,
Бориб кўринг, қандай меҳмон келибди?

Бу сўзларни айтар мендай гажакдор,
Бирга-бирга бориб кўрсак, канизлар.
Гап эшитинг мен айттан нолишимдан,
Имо билан суяб кўтар бошимдан.
Маконима қандай йигит келибди,
Аста суяб кўтар менинг тўшимдан.
Гап эшит, канизлар, айттан тилимдан,
Имо билан аста кўтар белимдан.

Ўзимизга оро-торо берайик,
Саф-саф бўлиб бирга-бирга борайик.
Қандай йигит экан, бориб кўрайик,
Нима ишда юрган экан, сўрайик.

Ўнг қўлима ўн бир юзук,
Тақиб қўйинглар, қизларим.
Зарли кавуш чанг бўлмасин,
Қоқиб қўйинглар қизларим.
Бу қошима машати ўсма,
Суриб қўйинглар, қизларим,
Рўмолим қийшиқ бўлмасин,
Туртиб қўйинглар, қизларим.
Бувишинг йўлга энади,
Ҳовлиқсам ичим куяди,
Елпиб қўйинглар, қизларим.
Ўн канизи йўлин бошлаб,
Ўн канизи белин ушлаб,
Ўн канизи пўш-пўшлаб,

Ўн канизи зулфак ташлаб,
Юрар йўлда йўлни бошлаб.

Жўнади гул юзли дилбар,
Саф-саф турганди парилар.
Ҳаммаси унга хизматкор,
Париди ўзи гажакдор.
Кийгани гул-гул ёнади,
Кўрганнинг ақлин олади.
Гулшан боғнинг сарвинози,
Пастки кўшкига жўнади.

Бувишин ўртага олиб,
Хипча беллари буралиб.
Бир нечаси метар чалиб,
Кўрганларнинг ақлин олиб,
Нозик беллари буралиб,
Пастки кўшкига жўнади,
Жўнади, ойим жўнади,
Жўнади, пари жўнади.

Боғда очилган гулғунчалар,
Гулга ярашган иимчалар.
Пўш-пўшлашиб ойимчалар,
Пастки кўшкига жўнади.
Жўнади, ойим жўнади,
Жўнади, пари жўнади.

Қоши кўзига муносиб,
Кўрганнинг кўкайин кесиб.
Мушку анбар ипор сасиб,
Оёқларин бир-бир босиб,
Пастки кўшкига жўнади.

Янги очилган гулдай бўлиб,
Ҳаммалари бирдай бўлиб,
Баданлари қордай бўлиб,
Жўнади, ойим жўнади,
Пастки кўшкига жўнади.

Бир-бирининг белин ушлаб,
Ҳар зинага қадам ташлаб,
Ўйин-кулгусини бошлаб,
Жўнади, пари жўнади,
Жўнади, қизлар жўнади.

Жўнади гул юзли дилбар,
Неча пари хизматкор.
Жўнади, қизлар жўнади,
Бари бирдай жоду кўзлар.

Хафадир Чамбилнинг шоҳи,
Нимадир бунинг гуноҳи.
Жарқиллаган гулдай бўлиб,
Гулшан боғнинг пари шоҳи.

Қандай ўғлон - кўрайин деб,
Бориб қолин сўрайин деб.
Қудағай менга насиб қилса,
Бориб ўйнаб, кулайин деб.
Жўнади, пари жўнади,
Жўнади, ойим жўнади.
Жўнади, барно жўнади,
Жўнади, мастон жўнади.

Пастки кўшкига етиб Авазжоннинг қадди-қомати кўриб, ошиқи беқарор бўлиб, «Марднинг боши ерда қолма син», деб Авазжоннинг бошини тиззасига олиб, «Қай мамлакатдан келдинг?» — деб сўраб бир сўз деди:

Бир лочин боқишли, Жаброил барлим,
Бир лочин боқишлим, қайдан бўласан?
Қайси элдан қайси юртдан келасан,
Қандай шоҳнинг, қандай бекнинг ўғлисан?
Искаб кўрсам магар жаннат гулисан,
Хабар бергин, қайси элдан келасан?

Жамолинг менгзайман осмонда ойга,
Жасадинг менгзадим бўз қарчиғайга,

Қошингни менгзайман эгилган ёйга,
Тарзингни менгзайман бўз қарчиғайга.
Ўзингни менгзайман минг қўйли бойга,
Бойвачча сифатлим, қайдан бўласан?

Бино бўлдинг қайси гавҳар донадан?
Парвоз қилдинг қайси манзил—хонадан?
Баланд парвоз хоним, қайдан бўласан?

Шундай бўлди менга ҳақнинг фармони,
Сизни туққанларнинг борми армони,
Сизни кўрганларнинг кетар дармони,
Аслинг одам десам беҳишт ғилмони.
Беҳиштнинг ғилмони, қайдан бўласан?

Менга теккан эронларнинг назари,
Ҳар кези йўқ ота билмас безори.
Тарзинг кўрдим бир мамлакат шунқори,
Бул ўлкага нечук тушди гузари.
Гузар солган хоним, қайдан бўласан?

Зуваланг тушгандир бир муштдай лойдан,
Жамолинг тушгандир осмонда ойдан,
Сиздай ёрни тилар эдим худойдан,
Ростин дегин хоним, қайдан бўласан?

Бу сўзларни айтди мендай гажакдор,
Сўзимга қулоқ сол, давлатли шунқор.
Хизматимда саф-саф турган парилар,
Ҳолингни сўради мендай гажакдор.
Хабар бергин, хоним, қайдан бўласан?

Сен эшитгин Гулқиз ойим арзини,
Кўриб томоша қил, гулдай тарзини.
Ёлғон дема, Гулқиз пари сўзини,
Хабар бергин, хоним, қайдан бўласан?
Менга айтгин, жоним, қайдан бўласан?
Худо қўшса бирга ўйнаб-куласан,
Ё билмайман бирор ерга борасан?

Авазхон манглайининг ёрилганидан хафа бўлиб, бошин кўтармай ётган эди. «Энди бошимни кўтармасам бўлмай. Бу қизлар билан бир-икки гаплашайин», — деб бошини кўтар Бошини кўтариб қараса, бир паризод бошини тиззасига ол ўтирибди. Атрофини кўп барно қизлар қуршаб турибди. Б ларни бу ҳолда кўриб, димоғи чоғроқ бўлиб, бу парилар қараб бир сўз деди:

Баҳорда очилган боғнинг гулиман,
Юнус ҳам, Мисқолнинг жону дилиман.
Чамбил элда Гўрўғлининг улиман.*
Чамбил элдан, жоним, мунда келаман.

Сўзимни эшитгин, гул юзли жонон,
Отимни сўрасанг, дейди Авазжон.
Отим Аваз, Чамбил элдан келаман,
Бу сўзимни англа, нозанин жонон.

Сен эшитгин Авазжоннинг сўзини,
Излаб чиқдим Қосим шоҳнинг қизини.
Малика айёр деган сарвинозини,
Пари дейди шоҳнинг жоду кўзини.

Миниб чиқдим элдан Ғиркўкдай тулпор,
Сўзимни англагин сендай гажакдор.
Юрсам етарманми Торкистон шаҳар?
Билсанг йўл бошлагин, гул юзли дилбар.

Малика деб бунда бўлдим хору зор,
Бу йўлларда йўл юраман гажакдор.
Ҳазил билма Авазжоннинг сўзини,
Кучук босмас йўлбарс, шернинг изини.
Олсам Маликадай сарвинозини,
Излаб чиқдим Маликанинг ўзини.

Яна баҳор бўлса, очилар гуллар,
Малойик сифатли, гул юзли дилбар.
Агар билсанг мени бугун йўлга сол,
Тараҳҳум айлабон йўл бошла, дилбар!

---

* Ўғлиман

Гулқиз Авазхондан бу сўзни эшитиб айтди: — Чамбил элидан бўлсангиз, Юнус, Мисқолнинг жони-дили бўлсангиз, Гўрўғлининг ўғли бўлсангиз, менинг туғишгангина амгиз, Гўрўғлининг ўғли бўласиз экан. Бундан илгари Юнус Мисқол аммамнинг ўғли бўласиз экан. Бундан илгари Юнус Мисқол аммам бу юртларга тўрт кунлаб келиб, ҳамма қизларнинг ичида мени яхши кўриб, балки сизга муносиб кўриб, бошидан рўмолини олиб, мени сизга бахшанда қилиб, рўмолини ўратиб кетган эди. Малика бўлса, худо подшодир ҳозиргисини кўраберинг, — деб Авазнинг қўлидан ушлаб, юқори кўшкига йўл бошлади.

Авазжоннинг остига зар-зарбоб либосларни ташлаб, Гулқиз ойим билан Авазжон бир ерда ўтириб, ҳамма қизлар-парилар бу икки жононга хизматкор бўлиб, олдиларига дастурхон ташлаб, Авазнинг кўнглини хушлаб, писта, руста, қанд, новвот аралашди, бунинг устига олиб келди қовурма гўштди, Гулқиз билан шундай қилиб ўтиришди. Авазхон кўнглини хушлаб, димоғи чоғ бўлиб, у ердан, бу ердан ушлаб, Гулқиз ойимнинг кўнглини хушлаб, ҳузур қилиб икковининг димоғи чоғ бўлиб ўтирабериди. Қирқин қизлар буларнинг хизматида хизмат қилиб тура берди.

Бу маконда булар билан қўшни учта дев бор эди. Каттасини Қизил дев дер эди. Девлар бу ерда йўқ эди. Кўйиқоф тарафига овга чиқиб кетган эди.

Энди бу девларнинг келадиган вақти бўлди. Қор ёмғирлар учқунлаб шопири келди. Гулқиз ойим ўрнидан туриб, Авазхонга билдирмаган киши бўлиб: — Авазжон, энди сизни мен сандиққа солиб қўяйин, —деб сандиққа солиб қўйди. Аваз ҳайрон бўлиб сандиққа кириб ётди. Бир вақти эди, девлар қаҳрланиб кириб келди. Гулқизга қараб Қизил дев бир сўз деб турибди:

Гулқиз ойим, эшит, айтган сўзимди,
Олмадай сўлдирай гулдай юзингни,
Хизматкор қиб турдинг ҳамма қизингди,
Ўйлаб турсам сенга ўлим лозимди(р).
Сайил этиб тоғларда овлаб юрганман,
Кўйиқоф устида туриб кўрганман:
Очилар боғларда боғнинг бодоми,

Бу ерга етишган одам қадами.
Қулоқ сол, Гулқизой айтган тилима,
Қандай одам келди манзил - элима?
Келган одамизодни бергил қўлима,
Бундай ишлар дуруст эмас шаънингга!

Тўксам сенинг кўздан селоб ёшингни,
Дарғазаб бўп, кессам тандан бошингни.
Кўриб қолдим одамзод ўйнашингни,
Қилайинми дарров сенинг ишингни?!

Бир одам наслиман ўйнаб-куласан,
Девларнинг юзини тубан қиласан,
Келган одамзодни бергил қўлима,
Армон билан Гулқиз, энди ўласан.
Бошдан тожи, қўлдан бериб давлатди,
Бир одамман қурдинг сен ҳам суҳбатди.
Бу қилган ишларинг билсанг уятди,
Ул одам бу ерда пинҳон бўлибди.
Бирга ўтириб бунда ўйнаб-куласан,
Канизларни хизматингга соласан.
Бундай қилсанг армон билан ўласан
Ўйнашингни қайда пинҳон қиласан?

Бу сўзни Гулқиз ойим эшитиб, Қизил девга қараб Г лойим ҳам бир сўз деди:

Олмадайин сўлган, гулдай тарзим бор,
Бадбахт девлар, сенга айтар арзим бор,
Сен тилингни тийиб сўйлагин девлар,
Чамбилдан келгандир Аваз зўравор!

Кўрганинг йўқ Гўрўғлининг улини,
Юнусман Мисқолнинг жону дилини.
Кўрса ғорат қилар девлар элини,
Сен тилингни тортиб сўйлагин, девлар!

Чамбилдан келибди Аваз зўравор,
Тортиб сўйла бу тилингни, дев аждар!

Тойрилди бошингдан тожу давлатинг,
Ажал етди, балки тўлди муҳлатинг.
Чўлда қолар девлар сенинг жасадинг!

Чамбил элдан қайсар Аваз келибди,
Девни излаб қайсар Аваз келибди,
Сизларни Чамбилга ҳайдаб боради,
Юнусман Мисқолга сўйлаб беради.

Йиғлай бергин, умринг охир бўлади,
Неча кунда сенинг кунинг тўлади,
Бормаган дев дарров шунда ўлади,
Бу ишларни ўйла, қандай бўлади?!

Дод айласанг эшитмайди сўзингди,
Ҳар боб билан ўяр икки кўзингди.
Эрта чошгоҳ ҳайдаб кетар ўзингди,
Чамбил элтса, сенга ўлим лозимди(р)!

Ҳолинг билмай бунда лофни урасан,
Эрта чошгоҳ Чамбил ҳайдаб боради.
Чамбил борсанг икки бошдан ўласан,
Билмайман ҳолинг, қандай бўласан?

Хунхор Аваз кесар сари-бошингни,
Париларга берар сенинг гўшингни.
Қарға-қузғун ейди сенинг бошингни,
Аё девлар, ўйлаб қилгин ишингни.

Авазжоннинг баҳодирлик номи бор,
Мунча катта лоф урмоқлик на даркор?
Ўлар вақтинг яқин келгандир, девлар,
Излаб келган қайсар Аваз зўравор.

Бу сўзни девлар эшитиб, ақли шошиб, такбиридан адашиб: — Аваз келган бўлса, бизларнинг жондай жиянимиз келган экан. Бизларга аввалдан нимага хабар бермадинг? Авазжон қаёқда? Кўрайик, танийик. Юнус Мисқол опачизни, Гўрўғли eзнамизни сўрайик, — деб девлар уриниб,

ҳовлиқиб ҳар нимани бир нима деб, Авазни бундан илга
кўриб юргандан соғиниб қолгандай бўлиб, уялгандан ҳ
нимани бир нима деб, Авазни келди деб, отини эшит,
қўрқиб, у ёққа-бу ёққа кўзини юбортиб, Авазни сўра
киши бўлиб турибди. Шунда Гулқизой пари Авазжонни са
диқдан чиқарди. Айтди: — Мен буни сизлардан қўрққан,
яширганим йўқ. Сизларни бундан қўрқиб, қочиб кета
деб яшириб қўйган эдим.

Аваз сандиқдан чиқиб, сипойи кўз билан, ҳайбатли с
фат билан девларга қаради. Девлар югуриб бориб Аваз б
лан кўришиб: «Гўрўғли эзнамиз, Юнус Мисқол опамиз омо
ми? Чамбил юрти тинчликми? Чамбилдаги катта-кичик бе
лар, полвонлар омонми? Ҳормай-чарчамай, омон-эсон ке
дингизми?» — деб, қўрққанидан Авазхонга қараб ҳар ним
ни бир нима деб ялиниб-ёлвораётир. Авазхон буларни
қўрққанини билиб, сўзига яраша жавоб бериб ўтирди.

Қизил дев сўради:

— Бу ерга пиёда келдингизми? Отингиз, жўрангиз йўқм

Авазхон айтди:

— Отимиз ҳам, жўрамиз ҳам бор.

Қизил дев:

— Ундай бўлса, бориб олиб келасизми, ё бировни юб
райми, — деди.

Авазхон чиқиб бориб, Ғиротни ечиб, устига мин
Қаради, Асад мерган, Шодмон мерганнинг оти бир теп
нинг устида турибди, ўзлари йўқ. «Булар қаёққа кет
экан», деб қаради. Асад мерганни кўрди, бир сув юв
кетган жирандада ўзини ҳар бир ерга уриб яширина
май юрибди. Асад мерганни бу туришда кўриб Шодм
мерган қаёқда экан деб қаради. Қараса Шодмон мерга
ни бир тулкининг инида кўрди: белбўғаридан юқори
инга кирган экан, икки бути зинкийиб турган экан. Ава
нинг шўхлиги келиб, кўнглини хушлаб, Шодмоннинг б
тидан ушлаб, аста-аста узанги ташлаб, Шодмон мерга
ни торта бошлади. Булар девларнинг ҳавода келаётган
ни осмонда кўриб, девлардан қўрқиб ўзларини яшири
тирмоқчи бўлиб, ҳар ернинг панасига солиб, абгор бўл
юрган экан. Шодмон мерган калласи иннинг ичида
сўзни айтиб турган экан:

Беклигимда суриб қолдим миннатим,
Бир тулкини қувиб келиб инлатдим.
Оҳ урганда хаста кўнглим хушладим,
Ҳар ерда ғанимнинг сирин фошладим,
Жониворнинг қуйруғидан ушладим.
Оёғимдан аста ушла Авазжон,
Ушлаб олсак овнинг олди бўлмасми?

Кўздан ёшим мунчоқ-мунчоқ тизилар,
Дийда гирён бўлиб, бағрим эзилар,
Оёғимдан аста торттин, Авазжон,
Бу тулкимнинг қуйруқлари узилар.

Мендайин мардларнинг кўнглин бўлмагин,
Кўп яшагил, кўп йилгача ўлмагин,
Оёғимдан аста торттин, Авазжон,
Тулкимнинг терисин нобуд қилмайин.

Мендайин мерганнинг кўнглин бўласан,
Шўхлик қилиб Аваз ҳазил қилмагин,
Соғ-саломат бу тулкини олайик,
Яна ҳам Торкистон элга борганча,
Терисини сотиб харжи қилайик,
Яхшимикан, ёмонмикан кўрайик.

Аваз Ғиротга қамчи чотди. Шодмон мерганни индан суғуриб олди. — Қани инлаттан тулкинг? — деб турибди. Шодмон мерган айтди: — Мен инлаттан тулки бир тулки эди. Қуйруғи узилмасин, териси бузилмасин, деб авайлаб туриб эдим, сени олам бўлган десам бачча кундаги хабалоқлаганинг қолган йўқ экан, илкисдан тортиб юбординг, қуйруғи қўлимдан чиқиб кетди. Инининг тўри узоқ экан, инига қараб уриб кетди, — деб уялмай-суялмай бу сўзни Авазжонга айтиб турибди. Авазхон: «Мен ёш боламан. Бу сўзларингизни билмайман-да», — деб кулимсиб турди. Бу икковини кўриб Асад мерган ҳам келди.

Авазжон: — Сен қаёқда эдинг?— деди.

Асад айтди: — Шодмон мерган тулки инлатиб юриб эди, тулкиси чап бериб кетмасин, деб тулкисининг олдини олиб юриб эдим.

Буларнинг бу ишини кўриб: — Йўқ тулкини инлатиб юрган ботирлар, — деб Авазнинг димоғи чоғ бўлиб айтди: — Ундай бўлса қуруқ овчилик қилманглар. Мана кўринган кўшк Гулқиз парининг макони экан. Бу маконда бир неча девлар бор экан. Бориб кўриб, овлаб олиб улар билан суҳбат қилмоқ керак.

Унда мерганлар қўрқиб, қўрқса ҳам бошқа ёққа кетмоқнинг иложини тополмай: — Энди ихтиёр сизда, йўл бошланг, сиз билан бирга борамиз, — деди.

Мерганлар Авазжон билан бирга-бирга отланишиб, Гулқизнинг жойи маконига бордилар. Девлар йўлга қараб туриб эди. Буларнинг келганини кўриб, югуриб чиқиб, бекларнинг отининг жиловини ушлаб, кўнглини хушлаб, манзил жойига йўл бошлаб, ичкарига олиб кириб, остига яхши тўшаклардан ташлаб, бекларнинг вақтини хушлаб турди. Девлар зиёфатга қўйни сўйди. Пишириб, гўштини олиб келиб қўйди, югуриб хизматин қилди.

Булар Гулқизнинг маконида ётди. Эрта билан тонг отди. «Ҳайдаб кетмаса», — деб девлар ҳам жуда қилпиллаб турибди. Кун чошгоҳ ҳаддига етди. Шунда девлар Авазга қараб: — Ў жияним! «Йўл бўлсин» — гапнинг ўроли бўлади, сизларга йўл бўлсин?— деди.

Шунда Аваз: — Олой бўлсин, йўл бўлса, сизлардан бўлсин, — деди. — Торкистон шаҳрига, Малика парига бораётирмиз. Бизларни отам — Гўрўғли сизларга буюриб эди. «Дев тоғаларинг бор, шу дев тоғаларингнинг уйига борсанг, тоғаларинг бирга бориб, сенга йўл кўрсатиб, Маликани топиб беради», — деб эди. Шунинг учун бизлар сизларнинг уйларингизга келиб эдик, — деди.

Қизил дев айтди: — Ў жияним! Бизлар кун ботиш билан кун чиқарни, ер юзини қолмай учамиз. «Торкистон деган шаҳар бор, Малика деган пари бор» деб эшитганимиз йўқ. Янгитта сизнинг оғзингиздан эшитдик. Манзили шу ердан етмиш йиллик йўл келади, бир Боймоқ дев деган тоғангиз бор, шу билмаса бизлар билмадик.

Бу сўзни Авазхон эшитиб, ўйланиб, индамай қолди. Унда Қизил дев айтди: — Жияним, нимага, индамай қолдингиз? Боймоқ дев деганда номи пастроқ учрадими? Боймоқ дев тоғангизнинг давлати катта: Боймоқ девнинг

етмиш минг кўк қашқа девдан жиловдори бор. Дев тоғангиз кўп катта, уни унча-мунча девлар қатори деб кўнглингизга келмасин.

Авазхон айтди: — Ундай бўлса, сизлар бизга хизмат қилсалирингиз, — деди. Қизил дев: — Хўп, Гўрўғли езнамизнинг ҳурмати, дев, тоғаларингизнинг хизмати, — деб бир тилсимот дуо ўқиб, уччовини уч олма қилиб, олмаларни ёқасига солиб, уч отни тилсимот ўқиб, ўрғай қилиб, қўйнига солиб, осмонга кўтарилиб, етти кеча-етти кундуз осмонда учиб, қўйилиб бориб бир ерга тушди. Бир тилсимот дуо ўқиб, олмаларни одам қилди, ўрғайларни от қилди.

Авазхон қадимги — аслига келиб айтди: — Эй тоға! Сизнинг жойингиздан бизлар қанча ерга келдик? Дев айтди: — Бизлар кеча-кундуз учиб келаётирмиз. Бизнинг юришимизга ўн тўрт кунлик ерга келдик, сизнинг бу отларингизнинг юришида ўн тўрт йиллик йўлга келдик.

Шунда Авазхон айтди: — Бу йўлни етмиш йиллик йўл деб эдингиз, бу ёғига нимага кўтариб учиб еткизмадингиз?

Дев айтди: — Бундан бу ёғи Боймоқ дев тоғаларингизнинг чегараси. Бундан бу ёғига сиздай зўравонлар йўл юриб ўтмаса, бизлар бир қадам босиб ўтолмаймиз. Агар биз бир қадам босиб ўтсак, Боймоқ девнинг ўтин териб юрган, ов овлаб юрган девларидан биронтаси кўриб қолса, қўлимизни боғлаб, сийнамизни доғлаб, банди қилиб арбанглатиб ҳайдаб олиб кетиб қолади.

Дев бу сўзларни Авазхонга айтиб, Авазхон билан хўшлашиб, омонлашиб, орқасига қараб қайтди. Унда Авазхон билан Шодмон, Асад мерган — уччовлари бирга йўл тортиб, бу сўзларни айтиб йўлда кетиб бораётир:

Ишқ ўтида ёна-ёна,
Қаба фалак дўна-дўна,
Гул юзим сўлди, найлайин.

Устимиздан ўтган ойлар,
Бу юракда оҳу войлар,
Сар жигали майин жойлар,
Жигадор бўлди, найлайин.

Келиб кишининг юртига,
Куйиб айрилиқ ўтига,
Икки кўзим ёр ортига,
Термилиб қолди, найлайин.

Булбулнииг маскани боғлар,
Айриликда бағрим доғлар,
Усти қорли баланд тоғлар,
Гул юзим сўлди, найлайин.

Ғиротимга қамчи чотдим,
Кеча-кундуз шабгир тортдим,
Гул юзим сўлди, найлайин.

Айриликда бағрим доғлаб,
Узоқ йўлга ўзим чоғлаб,
Ёр юрти деб қонлар йиғлаб,
Гул юзим сўлди, найлайин.

Жафо тиғи жондан ўтиб,
Айрилиқ бағримни йиртиб,
Кеча-кундуз шабгир тортиб,
Малика деб, қонлар ютиб,
Гул юзим сўлди, найлайин.

Бу сўзларни Авазхон айтиб, Қизилқум деган ерга ет борди. Шундай қараса, қип-қизил Қизилқум, ундан бош ҳеч нима йўқ, кўкарган гиёҳ ҳам йўқ, лекин қумнинг че касида бир чинор зинкийиб турибди. Жуда катта чинор.

Унинг ён ёғини қўрғон қилиб, девор қилиб қўйибд Қўрғоннинг девори қалайидан. Буни кўриб Авазхон отин мерганларга бериб: — Сизлар шу ерда туринглар, бу чино қандай чинор экан, бу қўрғон қандай қўрғон экан, ме бориб, кўриб келайин, — деб шу чинорга, Қалайи қўрғон қараб жўнаб кетди. Бориб Қалайи қўрғоннинг дарвозасин очиб, ичкарига кирди. Кўрса, чинорнинг ости сарҳовуз. Ка чинорнинг шохлари ҳар ёққа шохалаб кетган, шохлари тўти, майна, булбуллар бола очиб, сайраб ётган. Овоз оламга кетган ажаб чинор экан. Бу қандай чинор экан,

қараб туриб эди, дарвозадан бир қаландар ичкарига кириб кела берди. Қаландарнинг ҳайбатини, жасадини кўриб, Аваз қўрқиб, ўзини ҳар ерга урди, ҳеч пана бермади. Авазхон ақли шошиб, иложини топа олмай, ноилож чинорнинг устига чиқиб олди. Қаландар чинорнинг остига келиб қўнди. Бангни уриб, кайфини суриб, димоғи чоғ бўлиб, телпагининг таркидан бир олмани чиқариб, жағига бир уриб, паризод қилиб, бунинг билан ўйнаб-кулди, димоғини чоғ қилди. Буни Авазхон чинорнинг бошида кўриб турди. Қаландар парининг тиззасига бошини қўйиб, жамолини томоша қилиб, ухлаб қолди. У паризод қаландарнинг бошини ерга олиб қўйди. Ўзининг ёқасидан бир жуволдизни олиб, уни бир шапати уриб, барзанги қилиб, бу билан ўйнаб-кулиб димоғини чоғлаб ўтира берди. Қаландарнинг уйғонадиган фурсати яқин бўлди. Барзангининг жағига бир уриб, қадимгидай жуволдиз қилиб, ёқасига туйраб қўйиб, қаландарнинг бошини тиззасига олиб, қадимгидай бўлиб ўтира берди. Буни қам Авазхон чинорнинг бошида кўриб турди. Қаландар уйқудан туриб, паризоднинг жағига бир уриб олма қилиб, телпагининг таркига солиб, кади-мудбак, сўталарини олиб, «оллоҳ билоллоҳ», деб йўлга кириб жўнай берди. Авазхон шошиб-пишиб чинордан тушиб, қаландарга товуш қилиб чақириб, бу сўзни айтиб, қаландарга етиб олмоқчи бўлиб бораётир:

Ғам билан сарғайди гулдайин дийдор,
Телпагинг кайкаймай ўлгур қаландар,
Ёринг бир десам иккови бор экан.
Ёрингнинг ўйнаши сендан зўравор.

Армон билан билмаганинг билдирар,
Ханжар чекиб қора бағринг тилдирар,
Иккови бирикса, сени ўлдирар,
Сенинг гулдай юзинг бир кун сўлдирар.

Кўриб қолдим ул икки ўйнашингни,
Иккови бирикиб кесар бошингни.
Хабардор бўл, бу ишлардан қаландар,
Қарға-қузғун ейди сенинг гўштингни.

Ёрим бор деб мағрур бўлиб юрасан,
Иккови бирикса тайин ўласан.
Ўзинг ўлиб гўштинг бунда қолади,
Укағар қаландар қайга борасан?

Бу сўзни айтиб Аваз кўнглин хушлади,
Қаландарнинг белбоғидан ушлади.
Шул замон энига қоқиб ташлади,
Чинорнинг остига об кеб муштлади.

Аваз Қаландарга айтди:

— Бова, сиз гадой экансиз, парча-пурча нонингиз борми, деб сўраётибман, — деди. Қаландар: — Бировдан бир нарса сўраган одам уриб сўрайдими, бор бўлса урмасанг ҳам ўзим бераман, — деб кўлбарини қараб, қаттиқ кулча бор экан, чиқариб Авазхонга берди. Авазхон кулчани тўрт синдирим қилиб: — Олинг бова, — деди. Қаландар бировини олди, Авазхон бировни олди, икки синдирими одамсиз қолди. — Бу икки синдиримнинг эгасини топинг, — деди.

Қаландар айтди: — Ўзинг кўрган ёлғиз қаландарман, менда қандай одам бор?

Авазхон қаландарга сиёсат қилди: — Ўлдираман! — деди. Аваздан қўрқиб, ёқасидан олмани олиб бир урди, паризод бўлди. Бир синдиримини бу олди. Сўнгра парига Авазхон: — Жўрангни топ! — деди. Пари улай-булай деди. Бунга ҳам дўқлаб сиёсат қилди. Аваздан қўрқиб, ёқасидан бир жуволдизни чиқарди. Чаккасига бир урди, бир барзанги пайдо бўлди. Кулчанинг бир синдиримини бу олди, тўрт синдирими ҳам эгалик бўлди.

Авазхон ўрнидан туриб барзангини чопиб ташлади. Қаландар ҳам телпаги кайкайиб: «Бир одам деб икки одамни кўтариб юрган эканман», — деб ўрнидан туриб бу ҳам хотинини чопиб ташлади. Шунда Авазхон қаландардан сўради: — Бова, бу хотинни қаердан олиб эдингиз? — деди.

Қаландар айтди: — Мен бундан илгари Гулшаннинг боғидан тиланиб, гадойлик қилиб юриб келаётиб эдим. Гулшан боғининг ичида, шиша ҳовузда ҳамма парилар чўмилиб ётган экан. Баданлари қордай, бари бирдай. Муни шу ерда бир гулбутанинг тагига ўтказиб қўйган экан. Тилан-

мот дуо ўқилиб, муни олма қилиб, телпагимнинг таркига солиб, парилардан қочиб қутулиб кетиб эдим. Менинг чангалимга тушганига ўн саккиз йил бўлди. Шундан бери буни бир нарсага, жонзодга кўрсатмай юрган эдим. Ўғлим, мен аҳмоқ олиб келиб бўлиб, пари деб икки нарсани зилдай қилиб кўтариб юрган эканман.

Бу сўзни қаландар Авазга айтиб туриб эди, яна бир қаландар дарвозанинг эшигидан кириб кела берди. Авазжон қаландарнинг қадди-қоматига шундай қараса, бошдан-оёғи бирдай қаландар, ҳар яғрини қирдай қаландар, бошида кулоҳ, қўлида сўта. Сўта билан чинорни бир урди. Чинордан бир эшик очилди. Авазхон қараса, чинорнинг ичида дарчама-дарча уч кўшк бор экан, кўшкларни кўриб, қаландар айтди: — Оббо шаллақи, бу ерда ҳам йўқ экан.

Аваз айтди:

— Бова, сиз кимни излаб юриб эдингиз, кимни тайинлаб қўйиб эдингиз, бу ерга нима ишда юрибсиз, кимни ахтарасиз?

Шунда қаландар Авазга қараб юрган юришини, чиққан юртини қилиб, юрган ишларини баён бериб бир сўз деб турибди:

Сўзимга қулоқ сол, турган ёш ўғлон,
Мени сўрсанг Чин-Мочиндан келаман.
Сенга қурбон мендай бовангнинг жони,
Чин-Мочинда, билсанг бованг макони.
Қаландар деб, болам, ғофил бўлмагин,
Аслимни сўрасанг, Чин-Мочин хони.

Ёр ишқида болам, бўлдим қаландар,
Ваъда бериб кетди гул юзли дилбар.
Отини сўрадим — Малика айёр,
Шу чинорни ваъда берган гажакдор.

Торкистонда деган эрди шаҳрини,
Кўп ерни ахтардим — дунё борини.
Ҳеч бир ердан тополмадим парини,
Кўп ҳалак айлади харидорини.

Соқолим оқариб, ёшим қайтганда,
Ёр ханжари ўртаб кетди бағримни.
Тишим тушиб, оёқ гўрга етганда,
Ахтараман Маликадай парини.

Излаб топсам маликадай гажакдорни,
Сабил қилай Чин-Мочиннинг шаҳрини.
Сен эшиттин мендай шернинг изини.
Излаб чиқдим Қосимшоҳнинг қизини,
Элнинг Маликадай сарвинозини.

Чин-Мочин шаҳрида қолди кирдикор,
Кўп ҳалак айлади гул юзли дилбар.
Излаганим Маликадай суяр ёр,
Ул сабабдан, болам, бўлдим қаландар.

Чин-Мочин шаҳрида мамлакатимди(р),
Хон қаландар, дейди менинг отимди.
Излаб чиқдим Малика паризотимди,
Белги қилганман ўсган юртимди.

Қулоқ сол, эшиттин айтган нолага,
Шоқаландар дейди мени, садаға.
Эшит болам, бу кун менинг нидоға,
Девни кўрсам қамсаб бошин оламан,
Дев битганнинг кушандаси бўламан.
Насиб қилса Маликани оламан.

Отим Қаландардир, ўзим зўравор,
Лак-лак девлар бўлолмайди баробар.
Ғайратимни кўрса, йиғлайди девлар,
Маликага бўлиб чиқдим харидор.

Торкистонда кўргин бованг ишини,
Сулатаман девнинг гавда-бошини.
Охир қилай девлар ўтиришини,
Шуйтиб олай Малика бувишини.

Бу сўзларни айтди бованг қаландар,
Не жойлардан келдинг, давлатли шунқор?

Мен қаландар Маликага харидор,
Бу ерларда, болам, нима ишинг бор?

Авазхон бу сўзни эшитиб, қаландар бовасига қараб, Авазхон ҳам бошидан ўтган ишларни бир-бир айтиб, жавоб бериб бир сўз деб тургани:

Аё бова, тимсол айтган бир алвон,
Олмос-пўлат белда, эгнимда қалқон,
Гўрўғли ўғлиман, отим Авазжон,
Сиру ҳолинг бова баён айладинг,
Мен ҳам бова сендай юрган саргардон.

Чамбилнинг элида даврон сурибди,
Ғиркўк отни бир кун отам минибди,
Шакар кўлга бир кун овга борибди,
Овда юриб паризодни кўрибди,
Сиру ҳолин отам шундан сўрибди.

Торкистон деб анга хабар берибди,
Малика эканин аниқ билибди,
Пари билан неча ваъда қилибди,
Ул сабабдан шунга кўнгил берибди.

Қулоқ солинг, бова, айтган тилима,
Етарманми Торкистоннинг элига,
Отам ошиқ Маликанинг ўзига?
Маликанинг ойдай тўлган юзига,
Ошиқ бўпти Қосимшоҳнинг қизига,
Торкистоннинг шундай жоду кўзига.

Яна баҳор бўлса очилар гуллар,
Гулни кўрса маст бўп сайрар булбуллар.
Миниб чиқдим Ғиркўкдайин тулпорни,
Борар бўлсанг, мен ҳам ҳамроҳ, қаландар!

Чамбил элда мен ҳам бекман, тўраман,
Ўз элимдан мерган тортиб келаман.
Насиб этса Маликани оламан,
Мен ҳам Маликага кетиб бораман.

Ана шунда бу сўзни ўтирган қаландарлар эшитди. Хотинини ўлдирган қаландар Авазжонга қараб, у ҳам бир сўз деди:

Кўздан ёшим мунчоқ-мунчоқ тизилди,
Дийда гирён бўлиб, багрим эзилди.
Маликани айтдинг, кўнглим бузилди,
Борар бўлсанг, мен ҳам ҳамроҳ, Авазжон!

Мени сўрсанг Рум элидан келаман,
Жафо тортиб Торкистонга бораман.
Бир қиз учун жафо тортиб юраман,
Борар бўлсанг, мен ҳам ҳамроҳ, Авазжон!

Ғам билан сарғайди гулдайин дийдор,
Излаб чиқдим мен ҳам Торкистон шаҳар.
Сен эшиттин мендай бованг сўзини,
Олмадай сўлдириб гулдай юзини,
Топарманми Оқдевшоҳнинг қизини,
Борар бўлсанг, мен ҳам ҳамроҳ, Авазжон!

Айрилиқ ўтига бағримни доғлаб,
Мен юрибман Тиллақизни сўроғлаб.
Тиллақиз деб шундай бўлдим қаландар,
Кўп жафони солди гул юзли дилбар.

Шу сабабдан мен ҳам юрган қаландар,
Румнинг юртида қолди кирдикор,
Тиллақиз деб мен ҳам бўлган қаландар.

Қийғир деган қуш ўтирар қияда,
На кўриб кечирдим фоний дунёда.
Ёр ханжари ўртаб менинг бағримни,
Беш юз йиллик йўлдан пою пиёда.

Рум элида мен ҳам Ҳасан подшоман,
Ёр ишқидан қаландар бўп юраман.
Рум элидан ўзим ошиб келаман,
Бу йўлларда сарсон бўлиб юраман.

Лақабимни дейди устайи заргар,
Торкистонда Тиллақиздай ёрим бор.
Маликани айтсанг кўнглим бузилар,
Борар бўлсанг, мен ҳам йўлдош, Авазжон!

Қулоқ солгин мендай бованг тилига,
Подшо эдим болам-ей Рум элига.
Ёр ишқидан бўлиб қолдим қаландар,
Ахтариб кўрганман жуда кўп шаҳар.
Борар бўлсанг, мен ҳам ҳамроҳ, Авазхон,
Борар бўлсанг, мен ҳам йўлдош, Авазжон!

Сен эшитгин Шозаргарнинг сўзини,
Оларманми Оқдевшоҳнинг қизини.
Тиллақиздай гажакдорнинг ўзини?
Борар бўлсанг, мен ҳамроҳ, Авазжон!

Жаҳонни сайр этиб ўйнаб-куламиз,
Насиб бўлса, бирга-бирга борамиз.
Бу йўлларда ҳар на бўлсак бўламиз,
Борар бўлсанг, мен ҳам ҳамроҳ, Авазжон!

Шунда Авазхон қаландарнинг бу сўзини эшитди: Мунинг юдшолигини билди. «Мунинг бирови Рум мамлакати подпоси экан, бирови Чин-Мочин элининг подшоси экан», — еди. Айтди:

— Икковинг ҳам бир ер учун йўлларда кўп сарсон ўлиб, бунча подшоҳлик шавкатидан, аркони давлатдан кеиб, яёв мундай қаландар бўлиб юрмоқ не даркор? Бу йўл узоқ бўлса, сувсиз қип-қизил Қизилқум бўлса, бу ұмни беш-ўн кунда босиб ўта олмай юрса. Бу қип-қизил Қизилқумда пиёда юриб очликдан, сувсизликдан, сувсаб, очқаб, овора бўлиб икковинг ҳам ўласан. Подшо бўлсанглар отланиб юрсанглар бўлмайдими? Бу қандай расвочиик. Ўзларингизни мунча абгор қилиб, бу чўлда кўп сарсон ўласизлар, — деди.

Шоқаландар айтди: — Сенинг отангнинг чилтонлар тарбия қилган, оти бор ҳар ерга борсанг, учар қушдан урсанг, учар қушдан ўтади. Қандай душманни қувсанг етади. Ул

отангнинг отини минган киши нима қиламан, деса муродига етади. Бошқа отлар бу йўлларда юра олмайди, ҳожат бермайди. Сен от ярок-асбобингга ишонсанг, биз худойимизга ишониб, телпагимизни кайкайтиб келаётибмиз. Бизнинг телпагимизнинг кайкайганини бизга таъна қилма! Йўлда кўрасиз, бирга-бирга бораётибмиз, бизларнинг ким эканимизни сен кўрасан, сенинг аҳволингни биз кўрамиз. Мана бу Қизилқумни омон бўлсак бориб кўрамиз, — деб икки қаландар Авазхон уччови чинорнинг олдида кўп сўзларни гаплашиб, маслаҳатин бир ерга қўйиб: — Эй болам, гапдан нима чиқади, йўл юрмоқ аълороқ. Энди йўл юрайик, — деди.

Аваз айтди: — Ундай бўлса, эй боваларим, менинг яна иккита жўра-йўлдошли отларим бор эди. Энди йўл юрар бўлсак, жўраларимни бориб айтиб келайин, ундан сўнг бирга-бирга жам бўлишиб йўл юрамиз.

Бовалари: — Бориб айтиб кел, ундай бўлса дарров кел, — деди.

Авазхон Асад мергаи билан Шодмон мерганнинг олдига бориб, отини миниб, икковини эргаштириб, чинор остига, сарҳовуз олдига олиб келиб, боваларини кўрсатди. Мерганлар қаландар бовалари билан кўришиб, сўрашиб ўтирдилар. Бу икки бовасига билдирмаган киши бўлиб, Авазхон кўнглида: «Ажаб шаҳарларни, ажаб сирларни бу баҳона билан кўрдим, ажаб жаҳонгашта бўлдим. Жаҳонни, ажойиб-ғаройибларни кўрдик», — деди. Энди йўл юрмоқчи бўлиб, маслаҳатни бир ерга қўйиб, Авазхон, Шодмон мерган, Асад мерган учови отланиб, икки қаландар яёв телпаги кайкайиб бу икки жобоқлик одам бўлиб, Қизилқумга тушиб жўнай бердилар.

Азаматлар олмос бойлар дастига,
Ғаним тушар камдавлатнинг қастига.
Беклар миниб бедов отнинг устига,
Қумни юзиб ирғир эди бедовлар.
Чув деб қамчи уриб ов бир беклар,
Йўлга ҳамроҳ бўлди икки қаландар.
Тушиб жўнади бари Қизилқумига.

Узоқ йўлдир Қизилқумнинг ораси,
Маст бўлгандир Чин-Мочиннинг тўраси.
Маст бўлиб сўтасин отди қаландар,
Қизилқумни тўзон тутди муқаррар.

Қистаса ҳам отолмади бедовлар,
Шайдилло деб йўл тортади қаландар.
Аваз кўздан ёшин тизиб боради.

Қаландарлар отдан ўзиб боради,
Бедовлар қумларни юзиб боради,
Кун-бакун бадани қизиб боради,
Аваз ўғлон кўнглин бузиб боради.

Дунёдан умидин узиб боради,
Таваккални бу худоға қилади.
Аваз ўғлон яратганга жилади,
Чув дейди, Ғиротга қамчи уради,
Қаландарлар отдан ўзиб боради.

Қумларда ҳорийди минганда тулпор,
Авазжоннинг баҳодирлик номи бор.
Қамчи урди Авазжондай зўравор,
Яшин ташлаб иргир эди бедовлар.
Маст бўлиб боради икки қаландар,
Қистаганман, етолмайди бедовлар.

Юрса Қизилқумни тўзон олади,
Маст бўлиб қаландарлар боради,
Ҳарчанд қичаб баҳодир беклар,
Қичаганман етолмади бедовлар,
Маст бўлиб боради қаландар,
Ҳайрон бўлиб бораётир зўравор.
Давлат қўнса гар чибиннинг бошига,
Семурғ қушлар салом берар қошига,
Банда кўнар тангри қилган ишига,
Аваз қамчи урар аспи қушига.
Чу, деди Ғиротга қамчини чотди,
Тиллари танглайга борди-да қотди,

Сувсизликдан оша жабрлар ўтди,
Қизилқумда қаландарлар йўл тортди.

Ташна бўлиб қумда бедовлар ётди,
Мерганлар ҳам Авазжонни йиғлатди,
Қаландарга Аваз қараб кўз тутди.
Қаландар кайкайиб шунда йўл тортди.

Армон билан ўлдик, ғаминг е, деди,
Ғариб бўлдик, бова, бери кел, деди.
Ғариблиқда мендан хабар ол, деди.
Ҳеч кимсага келмай қолди ҳолатим,
Ташна бўлиб йиқилгандир Ғиротим.
Қумда қолар ўхшар менинг жасадим.

Учқур эдим, қанотимдан қайрилиб,
Югрук эдим, тусгимдан тайрилиб,
Қумда қолдим, мен отимдан айрилиб,
Мўмин бўлсанг, менга қамроҳ қаландар.

Ташна бўлиб қолдим мунда мунғайиб,
Мурдам мунда бўлмасин-да бежойиб.
Илоҳим раҳм айласин қонли ёшимга,
Хафа фалак оғу қўнди ошимга.

Мўъмин бўлсанг, бова келгин қошимга,
Кўп кулфатлар тушди менинг бошимга.
Қизилқумда, бова бўлдик хору зор,
Ҳолатдан кетди-ку минган бедовлар.
Ташна бўлиб йиғлар Аваз зўравор,
Мўмин бўлсанг менга ҳамроҳ қаландар!

Бу сўзни айтиб Аваз ўғлон йиғлади,
Қаландар бурилиб бундай қаради,
Бу сўзни айтиб шу қаландар келади:

Заргар қизман бирга-бирга бўлайик,
Ўғлонларинг бориб ҳолин сўрайик,
Қумда ғариб бўлди Чамбилнинг марди, ·

Ташна бўлиб йиқилибди Ғироти.
Ҳар на хизмат бўлса бориб қилайик.
Бу сўзни ўйлаб Шоқаландар келади,
Келиб, Авазхоннинг ҳолин сўради.

Қаландарлар Авазхоннинг олдига келиб:

Ҳаққа еттай айтган нолам,
Обод бўлгай кулбахонам.
Сенсан менинг Аваз қўзим,
Сарғайгандир гулдай юзинг.
Сен ҳам айрилмагин мендан,
Мен ҳам айрилмайин сендан!

Баҳорда очилган гулим,
Сенсан менинг жону дилим.
Ғариб бўлган Аваз улим,
Сен ҳам айрилмагин мендан,
Мен ҳам айрилмайин сендан!

Мундан Торкистон боргунча,
Душманга қирғин солгунча,
Шоҳнинг қизини олгунча,
Сен ҳам айрилмагин мендан,
Мен ҳам айрилмайин сендан!

Қайтиб Қизилқум келгунча,
Девлари қирғин солгунча,
Ундан Ўртачўл боргунча,
Ойим Маликани олгунча,
Сен ҳам айрилмагин мендан,
Мен ҳам айрилмайин сендан!

Мундан Чамбилга боргунча,
Номдор отангни кўргунча,
Дунёнинг даврин сургунча,
Сен ҳам айрилмагин мендан,
Мен ҳам айрилмайин сендан,
Жоним, айрилмагин мендан!..

Шунда қаландарлар бу сўзларни айтиб, Авазхон, Асад ва Шодмон мерганларнинг олдига келиб, бирови бир тилсимот қилиб, шу Шоқаландар бу уч полвонларни олма қилиб, телпагининг таркига солди. Шозаргар ҳам бир тилсимот ўқиб, дам қилиб, уч бедов отни тўрғай қилиб, кади-мудбохига қамаб олди.

Қаландарлар буларни кўтариб, Шозаргар бедов отларни кўтариб, телпаги кайкайиб маст бўлиб, Қизилқумга тушиб кетиб бораётир. Аваз ўғлон Чамбилдан баҳодирлик қилиб, бу Торкистон шаҳрига бормоққа бел боғлаб, баҳодирман деган Аваз бугунги кунда қаландарларнинг қўлида олма бўлиб, бедов отлари тўрғай бўлиб, жулбираб қола берди... Ана шунда қаландарлар буларни кўтариб, хизмат қилиб қумда неча муддат йўл юриб, бир қумнинг устига тушиб: «Энди бир кайф қилиб, дам олишиб, ундан сўнг йўлга тушиб жўнаймиз», — деб ўтириб димоғи чоғ бўлиб айтди: — Энди манзил яқин қолди. Булар ҳам дамини олгандир. Энди буларни аслига келтирмоқ лозим. Булар билан ҳангомалашиб, гаплашиб кетайик.

Бир тилсимот ўқиб, Аваз билан мерганларни, отларини аслидаги ҳуснига келтирди. Шоқаландар айтди: — Эй Авазжон, энди йўл яқин қолди, ҳангомалашиб борайик, — деб сени аввалдаги ҳуснингга келтирдик. Энди бирга-бирга йўл юрайик.

Авазхон мерганлар билан учови отланиб, бедовларни миниб олди. Қаландарлар телпаги кайкайиб, йўл бошлаб, бешовлари отлиқма-яёв бўлиб, Қизилқумда йўл юриб бора берди.

Худо қилган ишга банда кўнади,
Бедов миниб энди беклар жўнади,
Қаландарлар унга ҳамроҳ бўлади,
Ҳар на бўлса тақдирдан кўради.

Эшитингиз бундай шоҳнинг сўзини,
Қумларда қичайди аспи тозини,
Излаб чиндан Қосимшоҳнинг қизини,
Маликадай унинг сарвипозини.

Ярроқ бўлди жониворнинг сиёғи,
Тос тепада қолди икки қулоғи,
Йигирма уч кеча-кундуз югуриб,
Корсонидан ивиб тушди туёғи.
Йигирма беш кеча-кундуз ўтганда,
Қорайиб кўринди Кўкламнинг тоғи,
Етмиш йиллик йўлдир бошдан-оёғи.

Ҳориб бораётир бедов тулпори,
Оҳ тортиб қарайди Чамбил беклари,
Ярқиллаб кўринар девлар шаҳари,
Ҳар чашма бўйида беш юз чинори.
Шундай бўп кўринди тоғнинг қораси,
Бунинг бордир уч юз олтмиш дараси.
Кўп бўлади Оқдевшоҳнинг ҳийласи.

Ҳар дарадан тўққиз чашма оқади,
Ҳар чашмага ботмон заҳар қотади,
Ташна бўлиб, заҳар сувга етади,
Мавж урган дарёни булар кўради.
— Ташна эдик, — деди шунда бу беклар,
Вақти хуш бўп шоду хуррам бўлади.
Ичмоққа Авазхон кўнгил қилади.
Шоқаландар энди бундан хабардор:
Мундан тотган одам тайин ўлади!

Ичарман деб Аваз кўнгил қилмагин,
Ғариб бўлиб бу ерларда ўлмагин,
Дарё деб буларга мағрур бўлмагин!
Бу элларда бордир жодугар девлар,
Бу ишлардан Аваз ўғлон бехабар,
Тотган жонзод омон қолмас муқаррар,
Бу сувларга заҳар қўшгандир девлар.

Бу сўзларни айтгандир Шоқаландар,
Бул ишлардан сендай беклар бехабар.
Ҳар ким ичса ўлар Аваз зўравор,
Насиҳат беради Шоқаландар.

Ташналикдан йиқилдилар бу беклар,
Худо дея ҳамроҳ бўлиб Шозаргар,
Ҳожатини тилаб йиғлар мерганлар.

Шунда Авазхон, мерганлар Шоқаландардан бу сўзни эшитиб, сувга заҳар қўшганини билиб, хафа бўлиб ингради.

Ташналикдан тиллар танглайида қотди. Худо деб беклар қаландарнинг Шозаргари буларга қўшилиб тинглай берди. Йиғлаб-йиғлаб сувсизликдан иложини тополмай, қандай қиларини билмай, кўкрагини нам ерга бериб ётди. Бедов отлари ҳам сувсизликдан кўп ҳориб-чарчаб, тили оғзидан бир қарич чўзилиб, бу бедов отларнинг ҳам юрарга ҳолати қолмай, ташна тушиб ётди. Булар Кўклам тоғда шу кўргиликда кўп сувсаб, ҳориб-чарчаб, йиғлаб, ётиб қолдилар.

Ана шунда жўраларнинг Кўклам тоғда сувсаб, чарчаб қолганини Шоқаландар кўриб, буларнинг ҳолига раҳми келиб, азиз авлиёлардан сув тилаб, азизларға ялиниб-ёлбориб бир сўз деб турибди:

Барчанинг отаси ҳазрати Одам,
Пайғамбарлик анга бўлди мусаллам.
Иброҳим Исмоил Макка муаззан,
Динларнинг чироғи Имоми Аъзам.

Муҳаммадга уммат, халққа мусаллам,
Ташналарни сероб айлар кул бўлди...
Руҳинг била бўлди оламдан бурун,
Аршу курси лавҳи қаламдан бурун.

Ҳақ Расул мен сизга енгилдим бугун,
Ғамли қуллар йиғлашар енгил-енгил.
Йиғлаганнинг бўлур кўз.ёши тугун,
Ташналарни сероб айлар кун бўлди.

Ҳақ деб чиқар ғамли қулинг овози,
Садқанг бўлай Хўжа Ҳофиз Шерозий.
Гуноҳкор бандангман, раҳмон бўл рози,
Ташналарни сероб қилар кун бўлди.

Ана шунда Шоқаландарнинг мурожаатини қабул қилиб, сўтасининг остидан бир чашма-булоқ пайдо бўлиб, беклар, қаландарлар бедовлар ичиб, ҳаммаси сувга тўйиб, сероб бўлиб, димоғи чоғ бўлишиб маслаҳат қилиб ўтирганда, Шоқаландар айтди:

– Эй Аваз ўғлон болам, эндиги маслаҳат шул: Торкистон шаҳар бир бўлса, шу тоғнинг остида ё устида бўлар. Сизлар энди шу ерда ўтиринглар, мен бориб бу тоғнинг у ёқбу ёғини кўриб, мўлжаллаб келайин. Агар Торкистон шаҳаридан дарак топсам, келиб сизларга хабар берайин, деб ўрнидан туриб кетди. Авазжон ва Шозаргар мерганлар бу чашманинг олдида қолди.

Ана шунда Шоқаландар бораётиб эди, олдидан бир оёқ – бир товон йўл чиқди. Бу йўл билан бора берди. Қаради, йўли пастга тушди, тушиб кета берди. Қирқ зинапоя пастга тушиб кетди, бир катта – мисли шаҳри азимдай ерга борди. Жонзод йўқ, одамзоднинг суяги тоғ-тоғ, том-том бўлиб, уюлиб ётибди. Қаландар бу суякларни оралаб, ҳар ҳайрон бўлиб юриб эди, фалакдан бир дев учиб, қуюлиб келаётир, етмиш минг кўкқашқа девдан жиловдори бор тиззаларида бир бинойи-яхши бесоқол баччаси ҳам бор. Бу девнинг сиёсатини, ҳайбатини қаландар кўриб, ўзини ҳар ерга урди, ҳеч ер пана бермай қолди. Шунда уювли турган суяклардан овоз чиқиб қаландарга қараб бир сўз деб турибди:

Ўз элимда шоҳлик ғамин еб эдик,
Маликани биз олармиз деб эдик,
Тўқсон тўрт лашкар билан кеб эдик,
Шу девнинг чангига бўлдик гирифтор.

Ҳеч ким бўлмас ушбу девга баробар,
Етмиш беш шаҳарнинг бунда қони бор,
Малика деб ўлди неча гўзаллар,
Ҳеч ким бўлолмади девга баробар!

Сен ҳам бўпсан Маликага харидор,
Одамзодга бу одамзод жой берар,
Суякнинг остига киргин, қаландар,
Шундай кўрса армон билан ўлдирар!

Додайласанг эшитмайди сўзингни,
Зулм билан ўяр икки кўзингни,
Ўлдиради девлар кўрса ўзингни,
Суякнинг остига киргин, қаландар!

Ушбу девга сен ҳам бўлмагин дучор!
Девлар кўрса, тўкар кўздан ёшингни,
Зулм билан кесар тандан бошингни,
Ўртага олиб барисн гўшингни,
Кўролмайсан қовму қариндошингни.
Охир қилар девлар ўлтиришингни.

Малика деб жафо тортиб келасан,
Одамзодсан, бунда ғариб бўласан,
Девлар кўрса сен ҳам биздай ўласан,
Суякнинг остига киргин, қаландар!

Бу дев ҳайбатлидир оша зўравор,
Одам насли бўлолмайди баробар,
Суякнинг остига киргин қаландар,
Шу дев кўрса тағин сени ўлдирар!

Ана шунда қаландар уюлиб ётган суякларнинг бу сўзини эшитиб, ўзи қайси ерга борарини билмай, нима қилатурганини ўйлаб турар эди. «Бу яхши, бўлди», деб хирмон бўлиб суякнинг олдига бориб, суякка қараб зарб қилди: «Ёрил!» — деди. Суяклар ўртасидан ёрилди. Қаландарга жой берди. Қаландар суякнинг орасига кириб жо бўлди.

Шунда Боймоқ дев етмиш минг дев билан осмондан учиб тушиб, бир шосупа бор эди, шунга келиб ўтирди. Мингта кўк қашқа девлари қўлини қовуштириб, Боймоқ девга қараб, хизматида турди. Боймоқ девнинг тиззасидаги бола бу қаландарни кўрган эди. «Бу одамзод экан, одамнинг иси чиқади бу шўрлик қаландарни Боймоқ девнинг девлари, ё ўзи еб қўймасин», — деб ўйлаб, Боймоқ девга жанжал қилди. — Менга мана бу турган хирмондай суякнинг устига жой солдириб беринг.

Боймоқ дев хизматкорларига буюрди: — Муни хафа қилманглар, айтган жойидан жой солиб беринглар, — деди.

Боймоқ девнинг хизматкорлари қаландар кирган суякнинг устига болага жой солиб берди. Бола шул хирмондай суякнинг устига чиқиб ўтирди. Шунда бола айтди: — Мен шу ерда пича дамимни олайин, кўп чарчадим.

Боймоқ дев: — Хайр, сен ўтирсанг ўтир, — деб бунга жавоб бериб, етмиш минг кўкқашқа хизматкор девларига қараб айтди: — Энди бизлар далага чиқайлик, ов-овлаб келайлик.

Бари бирдан тайёрланиб, далага қараб чиқиб кетди. Қаландар бу бачанинг кўрганин билгани йўқ эди. Боланинг бир ўзи бу ерда қолди. Шунда бола суякнинг устида туриб қаландарга гапириб, бир сўз деди:

Ўз элимда шоҳлик ғамин еб эдим,
Маликани мен оларман деб эдим,
Ўн саккиз лак лашкар билан кеб эдим,
Малика деб қолдим девнинг чангида!

Раҳм айламай кўздан оққан ёшима,
Қаба фалак оғу қўшди ошима,
Қўшилолмай мен ҳам тенгу тўшима,
Малика деб қолдим девнинг чангида!

Кеча-кундуз мен йиғлайман муғойиб,
Камолимдан мурдам бўлди беҳисоб,
Ота-онам қолди сочини ёйиб,
Малика деб қолдим девнинг чангида!

Подшо эдим, шундай бўлдим хор-зор,
Малика деб бўлдим девга гирифтор,
Суякнинг остида ёттан, қаландар,
Сирлашайлик, сенга айтар арзим бор!

Малика деб ўлган неча гўзаллар,
Сен ҳам бўпсан Маликага харидор.
Оҳ урганда кўзда ёшим сел бўлар,
Суякнинг остида ёттан қаландар.
Сирлашайлик, жоним бова, берман кел!

Мени кўкда олиб юргандир душман,
Кўкда юриб, бова, сени кўрдим мен,
Сирлашайлик, жоним бова, берман кел!

Ҳовдак кўлда мен қуш солиб юрганман,
Жаҳонни сайр этиб ўйнаб-кулганман,
Малика деб лашкар билан келганман,
Лашкаримнинг барин нобуд қилганман.
Малика деб бу ерларда қолганман,
Ғариб бўлиб дев чангига тушганман.

Шунда қаландар: «Оббо, мени кўрган экан, энди чиқмасам бўлмайди», — деб суякнинг остидан чиқди. Шундай қараса одам наслидан экан.

— Эй болам, сен одам наслидан экансан, нима қилиб бу девларнинг чангалида юрибсан? — деди.

У бола қаландарга айтди: — Эй бова, Зебит шаҳрининг шаҳзодаси эдим. Ҳовдак кўлида қуш солиб, ов овлаб юрган вақтимда, бир Малика деган қиз менга йўлиқди, менга ваъда берди, шу ерни кўрсатди. Шунда мен ўн саккиз лак лашкар билан Маликани излаб етти ёшимда шу ерга келдим. Мунда келган сўнг, лашкарларимнинг барисини шу девлар еб қўйди, лекин мени ўлдиргани кўзи киймади, орадан етти йил ўтди, мен ҳозир ўн тўртта кирдим, етти йилдан бери девларнинг қўлида косагули бўлиб юрибман.

— Девларга косагули бўлсанг, кўп нафни егансан. Шунча хизмат қилиб Торкистон шаҳрини кўрдингми, билдингми? — деб қаландар сўради.

Бола:

— Эй бова, мен Ҳовдакнинг кўлида Торкистон шаҳрини Маликанинг ўзидан эшитганман. Бу девлардан, ё бошқа девлардан ёки бошқа жонзотдан эшитганим йўқ. Етти йилдан бери девларнинг қўлидан айрила олмай банди бўлиб юрибман, — деди.

Қаландар боладан бу сўзни эшитиб, болага қараб: — Эй болам, Маликанинг шаҳрини — Торкистон элини шу девлар билади. Девлар келганда, сен девларга иноқ экансан, сўрагин. Боймоқ дев Маликанинг хизматкори бўлади, ҳамма ишдан хабари бор, бу ишларнинг барини Боймоқдев билади. Лекин

сўраганинг билан девлар сенга Торкистонни, Маликани айтмас, «Сенинг нима ишинг бор» дер. Шунда сен «ўзимни ўлдираман» деб жўрттага бир пичоқни олиб, қорнингга урмоқчи бўл. Бу дев сенга ошиқ бўлиб қолган. Сенинг ўлиб кетганингни яхши кўрмас. Сенга бир сўзни айтар, Маликанинг элидан, Торкистон шаҳридан, ўзидан хабар берар. Шунга қараб иш қиламиз. Болам, сен ёш бола экансан, хафа бўлма! Мен шу девларнинг қўлидан сени қутқараман, ота-энангга, қавму қариндошингга омон-эсон еткарарман. Сен, болам, бу ёмон девларнинг ичида бўл, мен ташқаридан бўлайин, ишқилиб икковимиз ўлмаслик чорасини кўрайик, — деди. Шунда бола айтди: — Эй бова, сизнинг сўзингиз менга жуда маъқул бўлди. Шундай қилинг. Лекин энди, бова, девларнинг келар вақти бўлди, жойингизга киринг, — деди.

Қаландар бу сўзни эшитиб, бир тилсимот дуо ўқиб, бир юмроннинг суратида бўлиб, суякларнинг остига шўнғиб кириб кетди. Шунда девлар ҳам овдан қайтиб кириб келди. Боймоқ дев шосупага келиб ўтирди. Зиёфатга қўйни сўйди, мажлис бўлди. Ана шунда қаландар бова усти-устига тилсимот дуо ўқиб, девлардан бандча олаётир. Бола шу мажлисда косагул бўлиб, соқийлик қилиб девларга май қуйиб бераётир.

Шунда бола девларга қараб: — Эй девлар! Менинг сизларга айтадиган арзим бор. Шу: мен етти яшарлигимда Маликани оламан деб келиб эдим. Етти йилдан бери косагул бўлиб юрибман. Ўн тўртга кирдим. Маликани оламан деб элу халқимдан айрилдим, ғарибы гўристон бўлдим. Мен энди ўладиган еримга етдим, қандай қилса Маликани олади? Менга бир дуо айтсанглар, менинг армоним юрагимда қолмас эди, — деди.

Шунда бир дев боланинг жағига урди: — Баччағар! Маликани олмоқ ғами билан нима ишинг бор?! — деди. Шунда бу бола қўлига бир пичоқни олди: — Сизлардан кунда мундай таъна зулм кўриб юргандан, бу кун ўзимни ўлдирайин, бир бонга ҳамма вақт бир ўлим-да, — деди. Шунда ишқибоз бўлиб қолган девлар келиб: — Ундай қилма, — деб қўлини ушлади: — Малика бўлса, бизлар айтайик, — деди. Маликани айтмоқчи бўлди, ҳамма девлар қўлини кўтарди: — Эй девлар, боланинг қадами етса, етсин, Шоқаландарнинг қадами етмасин, — деб дуо қилди. Етмиш беш шаҳар-

нинг хони излаб келди, ҳаммаси бизларнинг қўлимизда нобуд бўлди. Улар ернинг устида деб излаб келар эди, лекин Торкистон шаҳри, Малика пари ернинг остида.

Торкистон шаҳар шу қоронғилик ерда, Малика ҳам шу шаҳарда. Лекин қандай бўлса ҳам, балонинг қадами етса етсин, Шоқаландарнинг қадами етмасин, — деб ҳаммалари ҳар гапида дуо қилади. Буни бола билан Шоқаландар ҳам эшитиб турибди. Девлар яна айтади: — Бу тоғни Кўкламтоғ дейди. Бу тоғ эмас, бизлар буни тилсимот билан суратни тоғнинг суратига ўхшатиб, Торкистон шаҳрини дарвозасининг оғзига кўндаланг қилиб ташлаб қўйибмиз. Бу ишдан хабари бўлса, Шоқаландар келса «Ёрил!», — деб Кўкламтоққа зарб қилса, Кўкламтоғ ёрилиб, Шоқаландарга йўл беради. Торкистоннинг бўсағасини кўради. Унинг остидан бир катта лавҳи дарё чиқиб оқади. Торкистоннинг бўсағасининг ўнг ёнидан бир яйдоқ қора тулпор чиқиб, шу сувдан сувлайди. Шу тулпорни минган киши Маликани олиб кетади, агар бошқа киши, бошқа мол от-бедов ё бошқа нарсалардан минган киши бўлса, бандаргоҳда қирқ минг аждарҳо буни кўрса, пишқиради, бўлак мол минган киши аждарҳонинг дамида йўқ бўлиб кириб кетади. Бу тулпорни минган киши ўлмай қутулиб, Маликани олиб кетади. Балонинг қадами етса-етсин, Шоқаландарнинг қадами етмасин! — деб девлар гуриллаб дуо қилди.

Боймоқ девнинг хизматкор девларидан Шоқаландарни шундай қилиб мақтаб, дуо қилиб турганини эшитиб айтди:
— Бу ишдан хабари бўлса, Шоқаландардай наърашер қолса, «Ёрил» деб Кўкламтоққа зарб қилса, Кўкламтоғ ёрилиб йўл берса, қоратулпорни минса, Малика парини олса, қайтиб яна Кўкламтоққа келса, неча вақтлар саваш бўлар, сувсизлиқдан жабр ўтар, тиллари танглайда қотар, «Сув бўлса ичар эдим», деб ҳасрат тортар. Шунда мен бир меш сув бўлиб ётаман. Маликани сув деб ичиб кўрар, заҳар бўлиб ичига қотиб ўлдириб, олиб қоламан. Балонинг қадами етсаетсин, Шоқаландарнинг қадами етмасин, ҳар ким бу сўзни айтса тош бўлиб қолсин! Бу заҳардан омон ўтса, сарҳовузнинг олдига етса, қўниб меҳмон бўлиб етса, бир түп қизил гул бўлиб тураман, гул деб искаб кўрар, заҳар бўлиб димоғига жойланиб оламан. Бунда ўлдиролмасам, унда ўлдира-

ман. Балонинг қадами етса-етсин, Шоқаландарнинг қадами етмасин, ҳар ким бу сўзни айтса, тош бўлиб қолсин! Ундан ўтар, Ўртачўлга етар. Бир тилсимот дуо ўқиб, дунёнинг ҳаммасини олов бўлиб ёниб оламан. Шунда ўлмаса, унда ўлар. Шунда қаландар: «Тириклай жаҳаннамга кетдим», деб безор бўлиб, Маликани ташлаб кетар. Балонинг қадами етса-етсин, Шоқаландарнинг қадами етмасин, ҳар ким айтса тош бўлиб қолсин! Ундан кейин ҳам ўлмаса, Маликани ташлаб кетса ҳам олмаймиз, Малика Шоқаландарга ош бўлсин!

Шоқаландар юмрон бўлиб, бир кам қирқ тилсимотни ўқиб бўлганда, қирқ тилсимотига етмай девлар осмонга кўтарилиб учиб кетди. Девларнинг кўтарилиб кетганини юмрон бўлиб турган Шоқаландар «оббо баччағар, девлар тилсимотни қирққа етказганча кўтарилиб учиб кетди. Қирқ мартаба тилсимот ўқиганимда учиб кета олмас эди», деб қараса девлардан ҳеч ким қолмабди, болани ҳам кўтариб олиб кетибди. Қаландар шунда бир тилсимот дуо ўқиб, асли қадимгидан одам ҳуснига келиб, бояги чашма-булоқнинг олдига, жўраларининг ёнига борди. Жўралари сўраб қолди. Боя кетаётганда «хабар топсам сизларга келиб айтаман», деган эди. Шунда жўралари Шоқаландардан: «Маликани кўрдингизми, Торкистон шаҳарини билдингизми?» – деб сўради. Шунда жўраларига қараб кўрганларни айтиб, бир сўз деди:

Ҳар қайсингиз бир мамлакатнинг хони,
Ер остида экан ёрнинг макони.

Хабарин бергандир бизларга девлар,
Маликани излаб келгандир беклар.
Бормоқни ихтиёр қилди қаландар,
Бизман бирга борасизми йигитлар?

Келинг беклар, бутун ҳаққа жилайик,
Омин деса париштаю малойик,
Яратган раҳмондан мақсад тилайик.
Ер остида экан ёрнинг макони.
Торкистон шаҳрини излаб кўрайик.

Келинг беклар, Торкистонга борайик,
Насиб этса Маликани олайик.

Сен эшиттин қаландарнинг сўзини,
Кучук босмас йўлбарс, шернинг изини,
Излаб чиқсак Қосимшоҳнинг қизини,
Юринг беклар Торкистонга борайик.
Насиб этса Маликани олайик.

Румнинг юртида қолди кирдикор,
Кулоҳ қилиб, сен бўлибсан қаландар.
Ер остида экан ёрнинг макони,
Бизга ҳамроҳ бўласанми, Шозаргар?
Ер остида экан ёринг макони,
Юринг заргар Торкистонга борайик,
Насиб этса Маликани олайик.

Баҳодирлик даъво қилиб юрибсан,
Бек отангнинг тулпорини минибсан.
Малика деб кўп жафони кўрибсан,
Торкистонга борарсанми, Авазхон?
Борар бўлсанг, Торкистонга борайик,
Насиб этса Маликани олайик.

Қумларда қичадинг аспи тозини,
Изладинг Торкистон сарвинозини.
Қосимшоҳнинг Маликадай қизини,
Бизга ҳамроҳ бўласанми, Авазжон?
Насиб қилса Маликани олайик,
Шу кўлларда хар на бўлса бўлайик.

Туриб мингин бедовингнинг белига,
Ошиқ бўлсанг Маликадай парига,
Биз борайик Торкистоннинг йўлига,
Бориб кирсак Маликанинг элига,
Журинг беклар, Торкистонга борайик,
Насиб этса Маликани олайик.

Чин-Мочиндан меҳнат тортиб келаман,
Дев деганнинг кушандаси бўламан,
Сен бормасанг ёлғиз ўзим бораман,
Насиб этса Маликани оламан,
У девларга кўп қирғинни соламан,
Девлар билан борсам саваш қиламан.
Журинг беклар, Торкистонга борайик,
Насиб этса Маликани олайик.

Ҳаёллаб ўтириб қолма, Шозаргар,
Сен бўлгансан, Тиллақизга харидор,
Мен биламан, Торкистонда ёринг бор,
Тиллақизнинг ўзи дилбар, гажакдор,
Журинг беклар, Торкистонга борайик,
Насиб этса Маликани олайик.

Остингда ўйнайди Ғиркўкдай ҳайвон,
Гўрўғли ўғлисан, отинг Авазжон,
Малика деб кўп бўлибсан саргардон,
Торкистонга ҳамроҳ бўлгин, Авазжон,
Юринг жам бўп Торкистонга борайик,
Насиб бўлса Маликани олайик.

Соғ-саломат чиқсак девнинг чангидан,
Кўнглинг хафа бўлмасин-да, Авазжон,
Ёш ўғлонсан, Маликани берайик,
Журинг дўстлар, Торкистонга борайик.

Хижолатда туриб эди Авазжон,
Бошидан кетгандай қайғули туман,
Сачраб ўрнидан турди Авазжон,
Шоду хуррам бўлиб энди бу замон:
— Борар бўлсанг мен ҳам ҳамроҳ боважон.
Излаганим менинг гул юзли дилбар,
Сачраб ўрнидан турди Шозаргар.
Йўл бошлаб юра берди қаландар,
Хафа бўлиб эргашгандир мерганлар.

Ана шунда бу сўзларни Қаландар айтди. Шозаргар билан Авазхон полвон, Асад, Шодмон — ҳаммалари Шоқаландарга ҳамроҳ бўлиб, йўлга тушиб жўнай бердилар. Шу торда, бир ерда бир мурват қора тош бор эди. Шу тоғнинг остидаги Торкистон шаҳар дарвозасининг бўсағаси шул мурват билан очилар эди. Буни Шоқаландар билар эди. олдига бориб бир тилсимот дуо ўқиб, қўлига сўтасини олиб урмоқчи бўлиб бир сўз деб турибди:

Инжилма, йўл бергин тоғлар, жодугар.
Ўзга эмасман-ку, бил, Шоқаландар!
Айролиқ ўтига бағримни доғлаб,
Ёр ишқида жабр кўрдим, қон йиғлаб.
Келдим мунда Малика деб сўроғлаб,
Инжилма, йўл бергин, тоғлар жодугар!

Кеча-кундуз доду фиғон этарман,
Қиличимга қирмиз қонлар қотарман,
Душман кўрсам бошин олиб кетарман,
Инжилма, йўл бергин, тоғлар жодугар!

Жафолар солганман тандаги жонга,
Хазон бўлса ғозлар қўнар гулшанга,
Индан чиқиб пишак билан ҳазиллар,
Магар ажал қамсаб келса сичқонга.
Мен чирпиниб отарман сени осмонга,
Инжилма, йўл бергин, тоғлар жодугар!

Бу сўзларни айтиб Шоқаландар,
Шайдулло деб дуо қилиб Шозаргар.
Худо дейди ғариб кўнглин бўлади,
Ҳожатини яратгандан тилади,
Қўл кўтариб беклар дуо қилади,
Кўкламтоғни сўта билан уради,
Кўкламтоғи қоқ ёрилиб боради,
Торкистоннинг бўсағасин кўради,
Бирор лавҳи дарё оқиб жўнади.
Дарёдан сувлади ул Қоратулпор,
Югуриб бориб минди Шоқаландар,

Мин! — деди, мингашди келиб Шозаргар,
Мин! — деди, мингашди Аваздай қўчқор.
Учовлари бир тулпорга мингашар,
Қолдик, — деб йиғлайди икки мерганлар.
Қулоқ солинг мерганларнинг тилига:
— Учовинг мингашдинг тулпор белига.
Бизлар ҳамроҳ эрдик узоқ йўлига,
Кетар бўлдинг Торкистоннинг элига,
Бизни ташлаб кетдинг девнинг қўлига.
Бир келар мўлжалинг бизлар сўрайик,
Неча кунгачайин мунда турайик?
Бошима тушмасин қайғули туман,
Бу сўзларни англаб билгин, Авазжон,
Олмосингдан қуяр эдинг қирмиз қон,
Бизни мунда қилиб кетма саргардон,
Келар мўлжалингни айтгин, Авазжон!
Бизларга омонат қолди Ғиротинг,
Неча кунда келар сенинг муҳлатинг?
Бир келар мўлжалинг айтгин, Авазжон!

Давлатимдан шоли-шолдам ўрайик,
Кеч кўрган тушни кундуз жўрайик,
Бир келар мўлжалинг сендан сўрайик,
Неча кунгачайин йўлга қарайлик.
Ўтганда бошимдан қайғули туман.
Барқарор қип сўзлаб кетгин, Авазжон,
Сендан савол сўрар билсанг Шодмонхон.

Ғам билап сарғайди гулдайин дийдор,
Минсанг парвоз қилар остингда тулпор.
Борар бўлдинг энди Торкистон шаҳар,
Келарингни хабар бергин, барқарор,
Келарингни сўраб турар мерганлар.
Бу сўзни эшитиб унда Авазжон,
Бул сўзларни айта берди шу замон:
— Англаб билгин, бу сўзимни, Шодмонжон,
Насиб этса қирқ кундан сўнг келаман.
Тойрилмасин бошда тожу давлатим,
Сизларга омонат қолди Ғиротим.

Қирқ кун бўлди менинг келар муҳлатим,
Қирқ кунгача бул йўлима қарагин.

Жаҳонни сайр этиб ўйнаб-кулмасам,
Нор кесар олмосни белга чолмасам,
Қирқ кунда ҳам Торкистондан келмасам,
Авазжонни ғариб бўлиб ўлди де,
Якка мозор бўлиб шунда қолди де,
Излаб топсанг Чамбилдайин шаҳарни,
Албатта отама бергин хабарни,
Қирқ кун бўлди менинг келар муҳлатим.

Хафа бўлма беклар, ўйнаб-кулинглар,
Таваккални бир худоға қилинглар,
Қирқ кунгача шунда қараб туринглар,
Шу сўзларин айтди Аваз зўравор,
«Омин-олло»,— деди энди мерганлар.
Ғорга бошқарилди ул Қоратулпор,
Қараб туриб энди шунда мерганлар,
Кўздан ғойиб бўлди, кетди у тулпор,
Яшиндайин оқиб боради тулпор.

Неча вақт юрганин беклар билмади,
Қоронғидир, куннинг кўзин кўрмади.
Азамат мард эдим бўлмайин ночор,
Дўстга зор айлама душманларга хор.
Сўз айтиб боради Шоқаландар,
Ҳақнинг яшинидай оқади тулпор,
Садағанг бўлайин имом чилтанлар,
Албатта бу йўлда бўлинг мададкор...

Бир манзилга еттандай бўп қаради,
Қоронғи ғуборда кетиб боради.
Шу сўзни айтиб, йиғлаб ҳаққа зору зор,
На қилса ҳукми бор қудратли жаббор,
Бандаргоҳ устида қирқ минг аждаҳор,
Аждарҳо устига етишди булар.
Ҳақнинг яшинидан оқади тулпор,
Ишқириб дамига тортди аждаҳор.

Буни кўриб Аваз ўғлон йиғлади,
Йиғлаганман нима илож қилади?
Қоронғи ғуборда кетиб боради,
Аваз йиғлаганин билиб қаландар,
Авазхонга бир тасалли беради:
— Ушбу дамдир, ўзга дамни дам дема,
Бошинг эсон, бу давлатни кам дема,
Аждарҳони кўриб, Аваз, ғам ема!
Во дамир, чиқмайди чибиннинг жони,
Кўнглингни бўлмагин, Чамбилнинг хони,
Йиғламиш Гўрўғлининг ўғлони...
Бу сўзни айтиб Шоҳиқаландар,
Яшиндайин оқиб боради тулпор,
Аждарҳодан ўтиб кетди муқаррар.

Шайдулло, деб Аваз билан Шозаргар,
Неча кунлар юрганини билмади,
Қаландарлар кун юзини кўрмади,
Қаерларга борарини билмади.

Ошиқнинг фаҳмидир қоронғи кеча,
Йиғласа ҳолига йиғлар бир неча,
Бандаргоҳда ётган қирқ минг шербачча,
Шер устига отиб борди қаландар.

Ул шерлар чобиниб йўлни олади,
Шоқаландар, Аваз, Заргар келади,
Неча шерни сўта билан солади,
Кўп шерларни ерга яксон қилади.

Маст бўлиб боради Шоқаландар,
Йўлга чиқиб нобуд бўлгандир шерлар,
Душман шерлар ўз ҳолидан хабардор,
Бир зўр қаландарга бўлгандир дучор.

Ғам билан сарғайди гулдайин дийдор,
Армон билан ўлиб кетди кўп шерлар,
Неча шерлар бўлолмади баробар,
Зарбасидан нобуд бўлганди шерлар.

Душман бўлган шернинг қолмас тоқати,
Тоша келар Шоқаландар ғайрати,
Сулаб қолди йўлда шерлар жасади,
Кўп ҳам ошди бу шерларнинг ҳасрати...
Ҳар қисматда ёзилганин кўради,
Кўп шерларни ерга яксон қилади,
Шер мурдаси боғдай қийраб қолади,
Ажаллиси шунда ўлиб боради,
Бу шерлардан энди ўтиб боради.

Парвоз қилиб учар остида тулпор,
Кўринмас кўзига Торкистон шаҳар,
Неча вақт юрганин билмайди булар,
Қистаб пул тортади шундай гўзаллар.

Яшиндай оқиб ул аспи-қуши,
Кўп жафо тортдирар ошиқлик иши,
Ғорда кетиб бораётир уччови,
Излагани Торкистоннинг бувиши.
От чопса, гумбурлар тоғнинг дараси,
Ботирни инграттар найза яраси,
Қарар эди Чин-Мочиннинг тўраси,
Кўринди ул Торкистонинг қораси.
Ярқиллаб кўринди ёрнинг шаҳари.

Неча вақт юрганин беклар билмади,
Қоронғи ғорда кун кўзин кўрмади,
Кўз жубортиб ҳар тарафга қаради,
Торкистон шаҳрини яқин кўради.
Ой-кундан мунда кўрмади хабар,
Тулпорни зўрликман тўхтатди Шоқаландар.

Шунда Шоқаландар тулпорнинг тумшуғидан ушлаб, зўрлик билан тўхтатиб олди. Уччови тулпордан тушди. Шоқаландар айтди: — Эй Шозаргар, Авазхон биз учовимиз бу бедов-тулпор отни эгасиз ерда юрган еридан ушлаб, миниб олиб эдик. Бу тулпорнинг мабодо бу шаҳарда эгаси бўлмасин. Эгаси ушлаб бизларни гаранг қилиб юрмасин. «Пиёда қўноқ — яхши қўноқ» деган сўз бор. Бировнинг отини миниб бормаганимиз яхши.

Мана кўринган шаҳарга яқин қолди, пиёда бўлсак ҳам етиб келамиз, — деб учови маслаҳат билан тулпорни қўйиб юборди.

Бу тулпор Маликанинг яхши кўрган тулпори эди. Шунда бу тулпор булардан қутилганига димоғи чоғ бўлиб, тўппа-тўғри Торкистонга Маликанинг кўшкига қараб чопиб борди. Маликанинг хизматкорлари: — Тулпорингиз келиб қолди, — деб Маликага хабар берди. Малика ушлатиб кўшкининг олдига «Менинг тулпорим келиб қолди», деб бойлатиб қўйди. Бундан илгари Маликалар ўзлари ҳам қуръа ташлаб кўрар эди. Қора тулпорни минган Маликани олиб кетади. Бўз тулпорни минган Тиллақизни олиб кетади, деган қуръа чиқар эди. Буни Маликалар билар эди. Лекин бу дафъа бу тулпорни қаландарлар миниб келганини Малика билгани йўқ эди. Маликалар ўз кайф-сафоси билан тура берди.

Энди гапни Шоқаландардан эшитинг.

Шоқаландар айтди: — Мен Чин-Мочиннинг шаҳрида қуръа ташлатиб кўрар эдим. Торкистон шаҳри кенг мамлакат. Девлар, парилар тилсимот дуо билан кеча-кундуз ёруғ бўлиб турар деб эди. Ана кўринглар бу шаҳарни, — деб жўраларига шаҳарни кўрсатди. Бу учови ҳам қаландар бўлиб, йўлга тушиб жўнай берди. Торкистон шаҳрини Авазхон кўриб, ҳайрон қолиб бораётир эди. Шоқаландар Авазга қараб, шаҳарларни мақтаб бир сўз деди:

Жаҳонни сайр этиб, болам, юрасан,
Ўлмасанг бир куни Чамбил борасан,
Кўрганингни сен ҳикоя қиласан,
Ажойиб юртларни кўргин, Авазжон!

Неча вақтлар бўлдинг Чамбилнинг хони,
Сенинг отанг йигитларнинг султони,
Келган жойинг париларнинг макони,
Ажойиб юртларни кўргин, Авазжон!

Майдон бўлса, сотар эрдинг ширин жон,
Олмосингдан қуяр эдинг қирмиз қон,
Сен излаб келибсан гул юзли жонон,
Булбуллар сайраган ажойиб жаҳон,
Ажойиб шаҳарни кўргин, Авазжон!